





ПОСТГА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ наشري • 2003 йил 31 июль, пайшанба • 31 (3507)-сон



ҚҮМИТА ЙИГИЛИШИ

Шу йил 25 июль кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда республика Жиноят-ижроия кодексининг ахлоқ тузатиш ишлари тарихидаги жазони ижро этиш тартибини назарда тутувчи нормалари қўлланилиши самарадорлигини Тошкент вилоятида ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Муҳокама чоғида пойтахт вилояти мутасадди идоралари маҳкумлар томонидан ахлоқ тузатиш ишлари тарихидаги жазони ўз вақтида ва тўғри ўталишини таъминлаш борасида бир қатор ишларни амалга оширганликлари қайд қилиб ўтилди.

Айни пайтда улар фаолиятида муайян камчиликларга йўл қўйилганлиги ҳам таъкидланди. Масалан, мазкур турдаги жазоларни ўз вақтида ва тўла ижро этиш баъзи ҳолларда таъминланмаган. Айрим жазони ўташдан бўйин товлаб юрганларга нисбатан тегишли қонуний таъсир чоралари кўрилмаган. Уларни иш билан таъминлаш, иш ҳақларидан давлат ҳисобига тегишли фоизлар чегириб қолиниши масалалари бир неча ойлаб ҳал қилинмаган. Натижада иш тополмаган айрим маҳкумлар такроран жиноятга қўл урган. Бу муаммони ҳал этишда маҳаллий ҳокимликлар лозим даражада ёрдам бермаётганликлари кўрсатиб ўтилди. Йиғилишда жазони ўташдан бўйин товлаганларга нисбатан маъмурий-интизомий чоралар кўриш, шунингдек, бошқа давлат фуқароларига, республикамиз ҳудудида яшаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари тарихидаги жазоларни қўлламаслик тўғрисида тегишли қонунчилик ҳужжатларига қўшимчалар киритиш лозимлиги таклиф қилинди.

Қўмита томонидан кун тартибидagi масала юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилди.

Ўз мухбиримиз.

ИИВ ҲАЙЪАТИ МАЖЛИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳайъати мажлисини республика Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов очди ва олиб борди.

Республика ички ишлар идораларининг 2003 йил биринчи ярмидаги тезкор-хизмат фаолияти натижалари ҳамда жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, ҳуқуқ-тартибот ва жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасидаги вазифалар ҳақида Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-лейтенанти Б. Матлюбов маъруза қилди. Сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи, қатор вилоятлар ИИБ раҳбарлари ҳисобот даврида қилинган ишлар ҳақида ахборот бердилар.

Республика Ички ишлар вазири ўринбосари, милиция полковниги А. Усманов ўз чиқишида оммавий тадбирларни ўтказиш чоғида хавфсизликни ва жамоат тартибини сақлашга доир республика Вазирлар Маҳкамасининг Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши қандай бажарилаётгани, бу борадаги вазифалар устида тўхталиди.

Ҳайъат мажлисида шунингдек, ички ишлар идоралари томонидан муҳофаза ишлари бўйича бўлимлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг "Умумҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг фуқароларнинг сафарбарлик қақуруви резервидаги хизматини ташкил этиш бўйича Қарорининг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишларнинг аҳволи муҳокама қилинди.

Сўнг ИИВ Ҳайъатининг 2003 йил иккинчи ярмига мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

Муҳокама қилинган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

ДЕЛЕГАЦИЯ ТАШРИФИ

БМТ Тараққиёт дастури делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ташриф буюрди. Делегация таркибида унинг мамлакатимиздаги доимий вакили Р. Конрой ва инсон ҳуқуқлари бўйича маслаҳатчиси Ш. Азизов бор эди.

Меҳмонларни республика ИИВ Тергов Бош бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги А. Шарафутдинов қабул қилди. Суҳбат чоғида делегация аъзолари ИИВ тизимларида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишлари билан танишдилар, жинойий жазоларнинг либераллашуви ички ишлар идоралари фаолиятига ижобий таъсир этганлиги таъкидланди.

Учрашув чоғида мавжуд муаммолар ҳам кўтарилди. Р. Конрой республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан яқин ҳамкорлик чуқурлашаётгани, ўзаро ишончнинг мустаҳкамланаётгани, долзарб масалалар ошқора муҳокама қилинаётганлиги бу муаммоларнинг ҳал бўлишига ишонч бағишлашини айтди. Қабул чоғида ҳар икки томонни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Муҳокамаларда республика ИИВ Ташкилий-инспекторлик бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги А. Жўраев ва республика ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги А. Сатторов иштирок этдилар.

Ўз мухбиримиз.

ТҮРТ ОЁҚЛИ КҮМАКЧИЛАР

Одамзот жуда қадимдан итларни қўлга ўргатган. Бевоқифта кинология хизмати тарихи эрамыздан аввалги 525- йилларга бориб тақалади. Ушунда қалъа ва биноларни қўриқлашда махсус тайёрланган итлардан фойдаланилган.

Бу ақлли, вафодор жониворларнинг ҳид билиш қобилияти инсонларникидан 800 мартача кучли ривожланган. Улар 500 минг хил ҳидни фарқлай олишади. Портловчи моддалар, қурил-

малар, ўқотар қуроллар, ўқ-дорилар, гиёҳвандлик моддаларини топишда итлар замонавий техник воситаларидан ўтса ўтадики, қолишмайди. Республика ИИВ Кинология хизмати ходимлари жиноятларни фош этиш, жамоат жойларида хавфсизликни таъминлашда тўрт оёқли жониворларнинг бу ноёб қобилиятини оқилона фойдаланишяпти. Сўнгги йилларда мазкур соҳа тобора ривож топяпти.

(Газетамизнинг 4-саҳифасида шу ҳақда ҳикоя қиламиз).

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



доллари ва 30 миллион Ироқ динори (тахминан 21.400 АҚШ долларига тенг) топилди.

Шунингдек ҳарбийларнинг сўзига қараганда, 29 июль кuni Саддам Хусайннинг тансоқчиси бўлган шахс қўлга олинган. АҚШ Давлат котиби ўринбосарининг айтишича, диктаторнинг тутилишига ҳам бир баҳя қолган.

Либерияда исёнчилар мамлакатнинг иккинчи йирик шаҳри Бьокенен

устидан ўз назоратлари-ни ўрнатдилар. Пойтахт Монрови учун жанглар давом этапти. АҚШ ҳуқуқмати исёнчиларни шаҳарни тарк этишга чақирган. Аммо улар ҳалқаро тинчликпарвар кучлар келгачина шундай йўл туттиларини айтишган.

Саудия Арабистони ал-Қоссим вилоятидаги фермага жойлашган жангарилар ўраб олинди. Отишма чоғида по-

лициячилардан икки нафари ва олти жангари ҳалок бўлди.

Душанба кuni Бомбейда йўловчи автобусда юз берган портлаш натижасида тўрт киши ҳалок бўлди, 33 киши яраланди.


Прокурорлар Балида амалга оширилган террорчилик ҳаракати ташкилотчиларига ўлим жазоси тайинланишини талаб қилишмоқчи.

УШИНЧИ «Постга» gazetasing ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

TV O'ZLAM

«Галла – 2003»



ДЕХҚОНГА МАДАДКОРМИЗ

Яхши ниятлар билан 23293 гектар майдонга уруғ қадаган Ғузур тумани ғаллакорлари давлатга ғалла сотиш режасини адо этиб, эл олдида юзлари ёруғ бўлди.

— Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, — дейди туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги З. Қобилов биз билан суҳбатда. — Мавсум бошланиши арафасидаёқ шахсий таркибни жамлаб, аҳоли ўртасида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, ғалла талон-торожлигига йўл қўймаслик тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилди. Профилактика инспекторлари ва ёнғин хавфсизлиги ходимларининг саъй-ҳаракати билан мавсум давомида кўнгилсиз ҳолатларга йўл қўйилмади. Туманимизнинг чегара худудларидан ўтган автомобиль йўлларида 4 та назорат-кузатув пости ташкил этилди. Ички ишлар ходимларининг хушёрлиги боис бу йил бирорта ҳам ғаллани талон-торож қилиш, ташмачилик ҳолатлари қайд этилмади.

Туман ИИБ ЁХБ ходимлари ҳам ғалла қабул қилиш масканлари, ўримда қатнашаётган комбайнларнинг ёнғинга қарши ҳолатини доимо назорат қилиб туришибди.

А. МУРОДОВ.

МУНОСИБ ҲИССА

Сирдарё вилояти Боёвут тумани ғаллакорлари етиштирилган ғаллани нобудгарчиликларсиз ўриб олишяпти. 1-Боёвут ширкатлар уюшмаси даласида иш қизғин.

Мавжуд 3 та «Кейс» комбайнининг ҳаммаси далада. Уларнинг ишини назорат қилиш, ўрилган бугдойни машиналарга юклаш ва етказиш, талон-торожликка йўл қўймаслик, жамоат тартибини сақлаш туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция капитани А. Тошматов ҳамда ҚООБ профилактика инспектори, милиция капитани С. Ғофуровларга юклатилган. Ҳосилнинг чўғи баланд. Ғаллакорлар биринчилардан бўлиб давлатга шартномавий режа-топшириғини бажариб бўлишди. Ортиқча ғаллани ишчилар ўртасида қонуний ёки шартномага кўра адолатли бўлиниши ҳам инспекторлар назоратида.

— Хўжаликка бириктирилган милиция ходимлари ишидан мамнунмиз, — дейди ширкатлар уюшмаси раиси Ғофуржон Алиев. — Ишлар уюшқоқлик билан олиб борилиб, дала бошига сув, ишчиларга озиқ-овқат етказиш, ғаллани тегирмон, хирмонларга элтиш ва бошқа ташкилий масалаларни ҳал этишда уларнинг ёрдами катта бўляпти. Шу боис ўғирлик, талон-торожлик ёки бошқа нохуш ҳолатлар аниқланмади.

М. МИНАВАРОВА.

ОГОҲЛИК – МАСЪУЛИЯТДИР!

СИРДАРЁ. Вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари, маҳалла фаоллари ва посбонлари ҳамда жамоатчилик вакиллари билан ўтказилган йиғилиш бошланишидан олдин қатнашчиларга вилоят ИИБ матбуот маркази томонидан тайёрланган «Эй, юртдош — огоҳ бўл!» номли видеолаваҳа намойиш этилди.

— Дунёда содир этилаётган террорчилик ҳаракатлари биздан йироқда дея лоқайдликка берилишга ҳаққимиз йўқ, — деди ўз нутқида республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Х. Ибрагимов.

Нотиқ шунингдек, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда кенг жамоатчиликнинг ўрни ва вазифалари хусусида тўхталди.

Сўзга чиққанлар бу борадаги мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Шундан сўнг аҳоли ўртасида фуқароларнинг хушёрлигини ошириш, жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлашда юқори кўрсаткичларга эришган бир гуруҳ маҳалла оқсоқоллари, посбонлар ҳамда профилактика инспекторларига ИИБнинг қимматбахо совғалари топширилди.

Йиғилишда Сирдарё вилояти ҳоқими Р. Ҳайдаров иштирок этди.

Қ. КАРИМОВ,
милиция капитани.

НАМАНГАН. Худудимиз Қирғизистон Республикаси билан чегарадош. Бу биздан ўта хушёр ва масъулиятли бўлишни талаб этади. Шу мақсадда жамоатчилик асосида ташкил этилган назорат масканлари куну тун фаолият кўрсатаёпти. Аҳоли осойишталигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш борасида «Мўғол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Т. Ақиллов ва посбонлар сардори А. Рўзиматов билан биргаликда дастур ишлаб чиққанмиз. Уни бажаришда мавжуд тўртта ташкилот раҳбарлари ва 574 та хонадон соҳиблари яқиндан ёрдам беришмоқда. Тез-тез фуқароларни йиғиб, сергак, бегона киши-

ларга нисбатан лоқайд муносабатда бўлмасликни тушунтиряпмиз. Қишлоғимизда турли миллат вакиллари тинч-то-тув, биродар бўлиб истиқомат қилишади.

Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида чегарани бузиб ўтиш ҳоллари ёки бошқа нохушликлар кузатилгани йўқ. Доимо халқимиз билан яқдил бўлиб, осмонимиз мусаффо, юртимиз осойишталигини таъминлаш учун барча имкониятларни ишга солаверамиз.

Р. ТОШМАТОВ,

Янгиқўрғон тумани ИИБ профилактика инспектори, милиция лейтенанти.

ЖИЗЗАҲДА бўлиб ўтган учрашувда кенг жамоатчилик, ўзини ўзи бошқариш, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари иштирок этишди. Тадбирда вилоят ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция полковниги И. Муродов вилоятда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчилик ва гиёҳвандликка қарши кураш, диний ақида-парастлик ва террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида сўз юритди. Шундан сўнг минбарга кўтарилганлар, бугунги кунда ҳар бир киши, маҳалла фуқароси хушёр ва огоҳ бўлиши муҳим эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Учрашувда республика Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Х. Ибрагимов иштирок этди.

Б. БЕГИМҚУЛОВ.

АНДИЖОН вилояти ҳоқимлигида «Огоҳлик – масъулиятдир!» мавзусида ўтказилган фаоллар йиғилишида республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция полковниги А. Усманов маъруза қилди.

Тадбирда қатнашган шаҳар ҳоқими А. Собиров, Андижон тумани ҳоқимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитасининг раиси Ф. Исмоилова, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Хўжаобод тумани бўлимининг раиси К. Усмонов, вилоят ИИБ бош-

лиғи, милиция полковниги Д. Оқмирзаев, вилоят прокурори Б. Деҳқоновлар кун тартибидеги масала ғоят долзарб эканлиги, бу борада олдинда турган вазифалар, хусусан аҳолининг хушёрлигини оширишда тарғибот-ташвиқот воситаларидан кенг фойдаланиш лозимлиги тўғрисида гапирдилар.

Ўз мухбиримиз.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Беруний туманида «Хушёрлик – фазилатдир» мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда туман ҳоқимининг ўринбосари Х. Рўзимов терроризм ва унинг мудҳиш оқибатлари ҳақида гапирди. ИИБ бошлиғи, милиция капитани О. Жумабоев эса аҳоли хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталди.

Туман диний идораси раиси Абдурахмонхожи Аминжон эшон ўғли, Беруний овул фуқаролар йиғини оқсоқоли Ш. Оразалиевлар кун тартибидеги масалалар юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси ИИБ хузуридаги Қўриқлаш Республика Бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги Х. Раҳматуллаев қатнашди ва сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз.

ҚАШҚАДАРЁ вилоятида ўтказилган «Огоҳлик – масъулиятдир!» мавзусидаги йиғилишда республика Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-лейтенанти Б. Матлюбов маъруза қилди. Нотиқ террорчилик ҳаракатларининг хавфи ҳамда унинг олдини олиш чоралари тўғрисида фикр юритар экан, эътиборни аввало, мамлакатимиз Президентининг юртимиз, қолаверса минтақамиз тинчлик-осойишталигини сақлаш борасидаги саъй-ҳаракатларига қаратди.

Йиғилиш сўнгида вилоят ҳоқими Н. Зайниев сўзга чиқди.

Б. ЭРГАШЕВ,
милиция старшиниси.



«MATIZ»ЛАР ХИЗМАТГА ШАЙ

Наманган вилояти ИИБ патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш хизматида 22 та замонавий «Matiz» автомашиналари ажратилгани муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.

Маросимда вилоят ҳоқими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты Тўлқин Жабборов қатнашиб, ходимларнинг эл-юрт тинчлигини сақлашдек масъулиятли хизматларида муваффақиятлар тилади.

Шундан кейин Т. Жабборов ва вилоят ИИБ бошлиғи, милиция генерал-майори Т. Муллажоновлар ходимларга янги машиналарнинг қалитларини топширдилар.

Суратда: янги хизмат машиналари.

Д. ТУРҒУНОВА.

ТЕРГОВЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Фарғона вилояти ИИБда республика ИИБ Тергов Бош бошқармасининг ташаббуси билан ички ишлар идоралари терговчиларининг кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Унда республикамизнинг барча вилоят ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган 45 нафар терговчи икки кун давомида жанговар ва жисмоний тайёргарлик, тест саволларига жавоб топиш ҳамда тергов иши бўйича ўзаро куч синашдилар.

Танловда Фарғона вилояти ИИБ тергов бошқармаси «Энг яхши тергов жамоаси» деб топилди. Иккинчи ўринни Андижон, учинчи ўринни эса Сирдарё вилояти ИИБлари терговчилари эгаллашди.

Шахсий биринчиликда Тошкент шаҳар ИИББ тергов бошқармасининг катта терговчиси, милиция катта лейтенанти Т. Мухамедов, Асака тумани ИИБ катта терговчиси, милиция капитани Қ. Аҳмадалиев ва Сирдарё вилояти ИИБ терговчиси, милиция майори С. Дилбековлар учинчи ўринларни эгаллашди.

Иккинчи ўрин фарғоналик терговчилар – милиция катта лейтенантлари З. Омонов ва А. Йигиталиевларга насиб этди. Биринчи ўринни эса Марғилон шаҳар ИИБ тергов бўлими терговчиси, милиция катта лейтенанти Я. Абдулҳақов қўлга киритди.

Фарғона вилояти ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция полковниги А. Тошхўжаев ғолибларга қимматбахо совғалар топширди.

М. КИМСАНБОВ.

Миннатдорчилик мактуби

ОЛҚИШГА ЛОЙИҚ

Касаллик вақтида аниқланиб даволанмаса у газак олиб кетади. Ички ишлар ходимларининг хизмати ҳам кўп жиҳатдан шифокорларнинг ишига ўхшаб кетади.

Яқинда кўшнлар ер талашиб, ўрталарида низо чиқди. Маҳаллий раҳбарларга қилган мурожаатим эътиборсиз қолди. Аҳвол-

ни 7- милиция таянч пункти профилактика инспектори, милиция майори ўринбой Ражаповга маълум қилдим. Масалага жиддий ёндашган инспекторнинг саъй-ҳаракатлари бесамар кетмади. Ер адолатли тақсимланиб, ўртадаги низо бартараф этилди. Асосийси, икки кўшни орасида юз бериши муқаррар бўлган жанжалнинг олди олинди. Шу билан бир-

га икки кўшни ер ва ундан фойдаланиш қонун-қоидаларига тушуниб етдик. Ана шу тушунмовчилик оқибатида юзага келган низо, гина-кудуратлар милиция ходимининг оқилона иш тутиши натижасида барҳам топди.

Милиционерлик – шарафли касб. Ана шу касбнинг этагидан тутиб, касбидан камол топаётган милиция ходимларига мингдан-минг раҳмат!

Султонбой НАВРЎЗОВ,
Тўртқул тумани.

Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги олдида



Президентимиз Ислам Каримов маърузаларидан бирида судлар жазоловчи орган эмас, балки адолат посбонлари бўлиши керак, деган эди. Бу сўзлар, шубҳасиз, ички ишлар ходимларига ҳам бевосита дахлдор. Мустақиллик йилларида милициянинг роли янада ошди, масъулияти кучайди. Ички ишлар идоралари тоталитар тузум асоратларидан, бошқарувнинг эскирган услуб ва усулларида халос бўлиб борапти. Соҳада кечаётган ислохотлар бу жараёнга янгича мазмун, суръат ва сифат бағишламоқда. Махсус мухбиримиз таниқли олим, Ўзбекистон Қахрамони Озод Шарафиддинов билан миллий истиқлол гоёси, ватанпарварлик туйғуси, бурч ва масъулият, бугунги кунда милиция ходимининг маънавияти ҳақида суҳбатлашди.

қилмаслиги, ўз меҳри, бойликлари ва, биринчи навбатда, ўз адолатини ҳамма фарзандларига баравар улашмоғи керак. Ватан фарзандлари ўз меҳнатлари билан Ватанни яшнатмоқлари керак, лекин Ватан ҳам бу меҳнатни қадрламоғи лозим, одамларнинг эркин, бахтиёр бўлоқлари, ҳар хил эски ва янги исканжалардан халос яшамоқлари учун барча шароитни яратиб бермоғи зарур. Баъзан нобоп ота-оналар ўзи қўл учидан зўрға кун кечириб юрган фарзандларига бутун юкларини ортиб қўйишади. Уларнинг ипидан-игна-сигача, ҳамма нарсасини тортиб олишади. Нотўғри ота-оналарнинг инсоф ва диёнатдан холи бўлган бундай йўли — улуг Ватан учун номуносиб йўлдор.

— Бу йил — Обод маҳалла йили. Маҳалланинг оила ва юрт тинчли-

готиш, ижодкорлик қобилиятини шакллантириш, “сен ҳам инсон” дея ҳаракатга чорлаш ундан ҳам яхши эмасми?!

— Озод ака, кечирасизу милицияга ҳеч ишингиз тушганми? Бу соҳа ходимларига муносабатингиз қандай? Мустақиллик даврида осойишталигимиз посбонларини қандай тасаввур этасиз?

— Нега тушмас экан, тушганда ҳам туғилишим ҳамон милиция билан алоқа боғлаганман: туғилганим рўйхатга олинган, “домовой книга”га ёзилганман, сўнгра паспорт олганман. Кейинчалик сабабли-сабабсиз бир кун-ярим кун “милицияга тушган” пайтларим ҳам бўлган. Лекин бунинг учун осойишталик посбонларини айблай олмайман. Энди, умуман, милициянинг бугунги ўрни ва роли ҳақида гаплашадиган бўлсак, маъ-

— Озод ака, суҳбатимизни инсоннинг Ватан ва халқ олдидаги бурчидан бошласак. Бурчни англаш туйғуси, умуман бурч тушунчаси ҳақидаги фикрларингиз...

— Инсон табиатнинг энг олий мавжудоти. У бахт учун яшайди, худо берган умрни мазмундор яшаб ўтишга интилади. Инсон ҳаётини шойиста ўтказмоқ учун яққа ҳолда эмас, жам бўлиб яшайди, шундан жамият вужудга келади. Жамият — инсоннинг мушкулларини осон қиладиган, унга турли қулайликлар туғдирадиган механизmdir. Лекин ҳеч бир қулайлик, ҳеч қандай шойисталик ўз ўзидан пайдо бўлмайди. Уларни барпо этиш учун инсон муттасил меҳнат қилмоғи, тинимсиз кураш олиб бормоғи керак. Жамият аъзолари бахтли яшамоғи учун ҳамма амал қилмоғи зарур бўлган, ҳамма манфаатини ҳимоя қиладиган қонун-қоидалар ишлаб чиқади. Жамиятдан манфаат кўрмоқчи бўлган одам шу қонунларга риоя қилиши керак. Бу унинг бурчи. Ҳамма қонуннинг “қули” бўлса, киши бошқаларнинг манфаатига зарар етказадиган ҳатти-ҳаракатлар, ишлардан ўзини тийиб яшаса, шу ерда ривожланиш, аҳиллик, тинчлик, хотиржамлик бўлаверади. Бизнинг ўтмишда ўтган буюк алломаларимиз, шoirлар ва файласуфлар инсоннинг табиати ҳақида кўп ўйлашган ва ёзишган. Бир неча аср мобайнида Шарқ фалсафасида марказий ўринни эгаллаб келган масала — нафс масаласи бўлган. Инсоннинг комиллик йўлида бутун умри давомида амал қилиши зарур бўлган нарса ёки бурчи — нафсини тийиб яшамоқдир. Хуллас, бурч дегани инсоннинг ҳаётини, оила ва фарзандлари олдидаги, бошқа ҳар битта одам олдидаги ва ниҳоят ўз олдидаги бажариши лозим бўлган вазифалар жамулжамидир. Инсоннинг баркамоллиги шу вазифаларни чуқур англаб етишига боғлиқ. “Ўз олдидаги бурчи” дедик. Бунинг маъноси шуки, одам ўзининг одамлигини, дунёдаги энг улуг зот, мавжудот эканини ҳақиқатан англаб яшамоғи, шу буюк унвонга муносиб бўлоғи, ундан фахрланмоғи ва инсонлик шарафини юксак тутмоғи шарт. Бунинг учун эса у жамият олдидаги бурчинини ихтиёр равишда чуқур англаб, фидойилик билан, керак бўлганда, ҳатто ўз манфаатларидан кечи бўлса-да адо этмоғи керак.

— Биз ўтмишда фашизм, большевизм, коммунизм ва яна аллақандай “изм-изм”ларни бошдан кечирган халқимиз. Ҳозирги пайтда эса фундаментализм, экстремизм, шовинизм ва ашаддий миллатчилик каби ўта хавфли оқимлар халқро-жамоатчиликка таҳдид солиб турибди. Шу жумладан, Ўзбекистонга ҳам. Бу ўрнида гап гоёлар ва мафқуралар ҳақида бормоқда, албатта. Шундай шароитда Сиз миллий мафқура, миллий истиқлол гоёсининг ўрни ва аҳамияти ҳақида нима дея оласиз?

МИЛИЦИЯ — ҚОНУН ҲИМОЯЧИСИ, АДОЛАТ ПОСБОНИ

— Афсуски, инсониятнинг ривожланиши, ҳамма жойда ҳам тўғри йўлдан борган эмас. Табиийки, ҳар бир халқ, ҳар бир мамлакат ҳаётини ўз манфаати нуқтаи назаридан куришга, яхшилашга ҳаракат қилади. Шундай экан, муқаррар тарзда турли манфаатлар ўртасида зиддият чиқади, зиддиятлар эса турли шакллардаги курашларни туғдиради. Минг афсуски, тарихда жуда кўп ҳолларда бу курашларни донолик, ақл-заковат, бир-бирларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат билан енгизиш ўрнига, зўравонлик, қилич билан ҳал қилишга интилиш майдонга келган. Яна афсуски, бундай “муштумзўрлик ҳуқуқи” бугунги кунда ҳам мавжуд. Баъзи давлатлар раҳбарлари ўзларининг ақл-заковати, доноликларини намойиш қилиш ўрнига, тўғридан-тўғри босқинчилик сиёсати билан шугулланмоқдалар, янги мустама-качиликни авж олдирмоқдалар. Бундай шароитда миллий мафқура, миллий истиқлол гоёлари жуда катта аҳамият касб этади. Бу ўринда масаланинг гоё тўғри бурчи — нафсини тийиб яшамоқдир. Хуллас, бурч дегани инсоннинг ҳаётини, оила ва фарзандлари олдидаги, бошқа ҳар битта одам олдидаги ва ниҳоят ўз олдидаги бажариши лозим бўлган вазифалар жамулжамидир. Инсоннинг баркамоллиги шу вазифаларни чуқур англаб етишига боғлиқ. “Ўз олдидаги бурчи” дедик. Бунинг маъноси шуки, одам ўзининг одамлигини, дунёдаги энг улуг зот, мавжудот эканини ҳақиқатан англаб яшамоғи, шу буюк унвонга муносиб бўлоғи, ундан фахрланмоғи ва инсонлик шарафини юксак тутмоғи шарт. Бунинг учун эса у жамият олдидаги бурчинини ихтиёр равишда чуқур англаб, фидойилик билан, керак бўлганда, ҳатто ўз манфаатларидан кечи бўлса-да адо этмоғи керак.

— Маълумки, инсон табиатидаги кўнгина нохуш одатлар ва оқибатлар тўғридан-тўғри маънавиятга бориб тақалади. Сизнингча дунё миқёсида фан-техника ўсиб, тараққиёт юксалиб, аксинча инсон қадр-қиммати, инсонпарварлик идеаллари заифлашиб бормаяптими?

— Дарҳақиқат, сўнгги бир-бир ярим аср мобайнида бутун дунёда инсоний ақл-идрок тантана қилди, деб баралла айта оламимиз.

Сиз айтгандек, ривожланиш миқёси кенг, таназзулнинг астаринанча-мунча нохуш ҳодисаларга бой экани маълум бўлиб қолмоқда. Бироқ бу ҳодисани зинҳор-базинҳор фан ва техника ривожининг оқибати деб қараш тўғри бўлмас эди. Фан ва техника ривожланаверади, яъни инсоннинг ақл-заковати коинот сирларини кашф этишда, “ҳаёт” деб аталмиш буюк қудратнинг моҳиятига тобора чуқурроқ кириб боришда давом этаверади. Бу ҳаракат қай нуқтага бориб тўхташи маълум эмас, бунинг ҳеч ким айтиб беролмайди. Лекин шуниси аниқки, фан ва техника ютуқлари ҳар хил кучларнинг қўлига тушиб қолиши — қай бир ҳолларда бу кучлар фан ва техника ютуқларини одамзоднинг фаровонлиги йўлида ишлатиши, қай бир ҳолларда эса улардан ёвуз ниятларда, инсониятни кўрқитиб, ўзларининг бир томонлама можароларининг тантанаси йўлида фойдаланишлари мумкин. Бутун дунёда ёвузлик кўпайиб бораётган бўлса, бу фақат бир нарсадан далолат беради — ҳаётда манфаатлар кураши кучайиб бормоқда, одамларнинг ёмонлигидан, ёвузликдан, ваҳшиёна ҳаракатларидан қайтариб турадиган ички тўсиқлар — эътиқодлар, маънавият руқнлари заифлашиб бормоқда, бунинг бош сабаби эса бутун дунё миқёсида адолатга путур етаётганидандир.

— Президентимиз ўзбек халқининг ватанпарварлигини йўлчи юлдуз, эзгу мақсад йўлидаги ишончли компас деб таърифладилар. Ватанпарварлик, умуман, бобомерос, отамерос бу муқаллас туйғу ҳақида нималар дея оласиз?

— Албатта, ватанпарварлик инсоннинг энг олижаноб, энг буюк туйғуларидан биридир. Айнан шу туйғу туфайли одамлар қалбларида энг гўзал интилишларини Ватанга бағишлашади, уни гуллаб-яшнаттишга уринади. Хўш, “Ватани гуллаб-яшнаттиш” дегани нима дегани? Гап шундаки, инсоннинг ўзи ҳақида баркамоллик йўлидан бориши керак бўлган каби, унинг Ватани ҳам муттасил ривожланиб, тараққиёт этиб бормоғи лозим. Албатта, у бой, бадавлат, фаровон бўлса, нур устига нур! Лекин бу ўринда иқтисодий категориялардан ҳам муҳимроқ бир нарса бор — фуқаролар Ватан олдида бурчдор бўлганларидек, Ватан ҳам фуқаролари олдида бурчдордир. Ватан ўз бағридаги одамларнинг ҳеч қайсисига ўғайлик

ми, осойишталиги хусусидаги аҳамиятини қандай баҳолаган бўлардингиз?

— Президентимиз бу йилни Обод маҳалла йили деб аташни таклиф қилиб жуда яхши иш қилди. Бу соҳада дастур барпо этилди, шунга яраша катта маблағ ажратилди. Шубҳа йўқки, булар самарасини беради. Шу билан бирга, баъзи ўринларда маҳалла бошқарувлари бунинг бир томонлама тушунаётган ҳоллар ҳам бор, шекилли. Улар давлатнинг айрим функцияларини ҳам ўзлаштириб олишдан тортинмаяптилар. Албатта, ҳаётимизда демократлашиш жараёни жуда яхши нарса, лекин ҳозирги шароитда давлат ўз иззатида, маҳалла ўз иззатида тургани маъқулми? Бу ўринда менимча, албатта қилиниши лозим бўлган жуда муҳим бир иш бор. Эҳтимол, бу бир йилда бажариладиган вазифа эмасдир. Гап шундаки, шўро тартиблари кўп йиллар давомида одамларни ташаббускорликдан маҳрум қилиб, текин ошга бақовулликка ўргатиб қўйган эди. Кўп одамлар “берсанг-ейман, урсанг-ўламан” қабилда иш туттишарди. Каттароқ ишларни кўя турарди, ҳатто кўчадаги лампочка куйиб қолса ёхуд водопровод жўмраги бузилса, ойлар давомида ҳам “давлат қилиб беради” деб юраверарди. Ҳозир шариёт бошқа. Лекин турли ЖЭКлар, коммунал хўжаликлар, транспорт идоралари ҳамон эски услубда иш юритмоқдалар — улар ўзларини фуқаронинг хўжайини деб билдилар, унинг аҳволи билан мутлақо ҳисоблашмаган ҳолда хоҳласалар нарх-навоми оширадилар, истасалар “янги тартиб” жорий қилдилар. Баайни Муқимийнинг танобчилари — “Хоҳласам танобни дучандон солай”. Маҳаллаларда шунга ўхшаш ишларда ташаббусни қўлга олиш мумкин эмасми? Маҳалла ўз аҳлига истеъмолчи сифатида қараб, унинг манфаатларини тузукроқ ҳимоя қилиш йўлидан борса бўлмайди? Масалан, баъзи мамлакатларда муқобил хусусий ЖЭКлар пайдо бўляпти ва уларнинг фаолияти аллақачон бир қадар яхши самара бера бошлади. Шундай экан, ҳукуватимиз, шахсан Президентимиз “ҳаққингни ол, ишчилар” деб турганларида фаолроқ, ташаббускорроқ бўлсак, маҳалламиз янада обод бўлмайди-ми? Кўчат экин яхши, қурилиш қилиш янада яхши, аммо одамларни фаол қилиш, қалбини уй-

лумки, сўнгги пайтларда “инсоннинг салбий майллари борган сари ўсиб борапти”, деган тўхтама келамиз. Тўғри, бу тенденциянинг замирида, биринчи навбатда иқтисодий сабаблар, ижтимоий ношойисталик ётади. Лекин, барибир, милиция бўлмаса, бу тенденциялар жуда авж олиб кетиши мумкин. Бунинг тасаввур қилмоқ учун одам қозондек каллага эга бўлмоғи шарт эмас. Бугунги кунда ички ишлар ходимлари мамлакатимиздаги барқарорликни, осойишталикни таъминлашда, фуқароларнинг тинчлигини сақлашда, қонунчиликни ҳимоя қилишда жуда катта роль ўйнамоқда. Бунинг сира-сира инкор қилиб бўлмайди. Лекин шу билан бирга ички ишлар соҳасига, унинг сафларига айрим чаласавод, маданиятсиз, нопок одамлар, осонгина бойиш орзусида юрганлар, милиция формасини қонунни ҳимоя қилиш учун эмас, шахсий манфаат учун кияётганлар ҳам сукулиб қўриб қолмоқда. Билмадим, улар “ўзим хон, кўланкам майдон” деб ўйлайдими, кўнгулларида келган номаъқулчиликларни қилаверадилар. Бундайлар фақат ўзлари эмас, айни чоқда, давлатнинг шаънига ҳам доғ туширишади ва одамларнинг адолатга, қонунга бўлган ишончини сусайтиради. Мен ҳар бир милиционер том маънодаги адолат посбони бўлиши, ҳимояга муҳтож ҳар бир одамга ёрдам қўлини чўздадиган, унга кўмак берадиган инсон бўлишини истар эдим. Зеро, адолат, инсоф, диёнат осмондан тушмайди, таъбир жоиз бўлса у милиционердан бошланади. Одамлар узокдан милиционерни кўрса, паната қочиб яширинишмасин, балки унга энг яқин суянчигини кўргандек муносабатда бўлишсин. Бунинг учун милиционер ҳам нафсини тийиб, ўзининг нафақат ҳуқуқ-тартибот посбони, айни чоқда инсон ҳам эканини унутмай иш юритса бас. Демократик жамият қуриш учун ҳар бир фуқаро қанчалик масъул бўлса, оддий милиционер ҳам шунчалик масъул!

Футбол ҳақами майдонда ўйинга ҳалақит бермаган ҳолда ҳамма қоидаларга риоя қилинишини таъминлайди. Милиционер ҳам одамларнинг яшаши, тирикчилигига заҳмат етказмай, қонунларимизнинг оқил ҳимоячисига айланса, қандоқ яхши бўларди. Мен уларни Ўзбекистонимиз мустақиллигининг энг фидойи кишилари ва одил посбонлари дегим келади.

— Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош:

ШУХРАТ МУРОДОВ.

Кинология хизмати

РИВОЖ ТОПАЁТГАН СОҶА

Республика ИИБ ППХ ва ЖТСББ Кинология хизмати бошлиғи, милиция катта лейтенанти Дилшод Ҳасанов билан суҳбат.

– Сўнги йилларда республикада кинология хизмати ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Суҳбатимизни бу борада қандай ўзгаришлар қилинаётгани билан бошласак.

– Республикада Кинология хизмати илгари фақат жиноят қидирув ва қўриқлаш соҳаларида фаолият кўрсатиб келган. 1995 йилга келиб вазиримиз, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматовнинг ташаббуси билан у жамоат тартибини сақлаш хизмати тизимига ўтказилди. Хизматнинг тармоқлари кенгайтирилди, ППХ ва ЙХХ соҳаларида ҳам хизмат итларидан фойдаланиш жорий этилди.

2000 йилга келиб эса ҳукуматимиз ушбу хизматни янада ривожлантиришга қаратилган қарор қабул қилди. Унга мувофиқ биргина ички ишлар идоралари тизимларига кинология хизмати бўйича 700 дан зиёд штат бирликлари киритилди. Олдинги даврда жойлардаги 9-11 та штат бирликларидан иборат хизмат итлари питомниклари зиммасига бутун вилоят ҳудудига хизмат кўрсатиш вазифаси юклатилган бўлса, эндиликда ҳар бир шаҳар-туман ИИБ навбатчилик қисмларида кинология гуруҳлари ташкил этилди. Бу эса ходимларимизни ўзларига бириктирилган хизмат итлари билан воқеа содир бўлган жойларга ўз вақтида чиқиш имкониятини берди. Хизмат итлари питомниклари таркибида алоҳида хизмат йўналишлари бўйича бўлим-бўлималар ташкил этилди. Қисқаси, ҳозир-

ги кунда ҳар бир ички ишлар идорасида ҳукумат қарори ва вазирлигимизнинг ушбу хизматни ривожлантириш борасидаги Дастури, тегишли буйруқлари талабларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш имкониятига эга бўлган кинология хизматлари ташкил этилди. Замон талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган, кинолог ходимларимизнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари ва хизмат фаолиятларини тўлақонли ташкиллаштиришлари, хизмат итларини сақлаш, парвариш-лаш, тегишли хизмат йўналишлари бўйича тайёрлаш учун барча шарт-шароитларга эга бўлган питомниклар қурилди, мавжудлари таъмирланди. Транспорт таъминоти яхшиланди.

– Шу эътиборга яраша самара ҳам бўляптими?

– Албатта. Ходимларимиз томонидан республикада ҳудудда содир этилаётган жиноятларни иссиғида очиш ҳолатлари йилдан-йилга ошиб бормоқда. Жумладан, 1995 йилда кинолог ходимлар ва хизмат итлари томонидан 492 та жиноят фош этилган эди. 2003 йилнинг 6 ойи давомида эса 1898 та жиноят очилишига эришилди. Шундан 51 тасини қотиллик, 36 тасини талончилик, 24 тасини босқинчилик, 1140 тасини ўғирлик ва 623 та-

сини гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ бўлган жиноятлар ташкил этади. Жиноятчилардан 66 кг дан ортиқ ҳар хил турдаги гиёҳвандлик моддалари, 36 та ўқотар қуроллар, 398 дона ўқ-дорилар ва 19,9 кг портловчи моддалар олинди.

Бундан ташқари, ходимларимиз республика ҳудудига ўткази-

эмас, кинологлик касбини эгаллаш учун маълум бир таълим босқичини тугатиш ҳамisha ҳам етарли бўлмади. Кишидан хизмат итига ва ўз касбига бўлган меҳр, мустаҳкам ирода, қатъий тартиб-интизом талаб этилади. Тан олиш керак, хизматимизда ҳозирги кунда бундай ходимларга эҳтиёж бор. Вазирлик раҳбариятининг қўллаб-қувватлаши натижасида Россия, шунингдек бошқа хорижий давлатлардаги хизмат сафарлари жараёнида маълум миқдордаги адабиётлар, кўргазмалар, ўқув воситалари олиб келди. Улар асосида беш йўналишга мўлжалланган ўқув дастурлари, хизмат итларини ўргатиш билан боғлиқ жараёни тўлиқ қамраб олган 13 та мавзу матнлари, кўргазмалар пла-



катлар яратдик. Шу пайтга қадар жойлардаги питомникларда кинолог ходимларнинг касб маҳоратларини ошириш, хизмат итларини тайёрлаш бўйича ўқув курслари фаолият кўрсатар эди. Жорий йилнинг май ойида Тошкент шаҳар ИИББ махсус кинология маркази базасида вазирлик миқёсидаги ўқув маркази ўз фаолиятини бошлади.

– Ҳар қандай ишнинг муваффақияти биринчи галда кадрларга боғлиқ. Бу масала сизларда қандай ҳал қилинапти? Муаммолар борми?

– Аввало соҳага оид адабиётлар (айниқса давлат тилидагилари) танқислиги сезилмоқда. Сир

лаётган оммавий ва бошқа тадбирлар жараёнида фуқароларимиз хавфсизлигини таъминлаш борасида ички ишлар идораларининг бошқа хизмат соҳаларига яқиндан кўмаклашиб келмоқдалар.

– Жиноятчиликка қарши курашишда турли мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлиги, тажри-

ба алмашиши муҳим. Шундай эмасми?

– Ўтган давр мобайнида ҳодимларимиз АҚШ, Германия, Нидерландия ва Россия давлатларида бўлиб, хориж тажрибасини ўрганиб қайтишди. Ўзим жорий йилнинг апрель ойида Москва шаҳрида ўтказилган МДХ давлатлари ИИБ Кинология хизматлари бошлиқларининг семинар-кенгашида иштирок этдим. Ушбу анжуманда келгусида жиноятчиликка қарши курашиш борасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, тажриба алмашиш ва бошқа бир қатор масалалар юзасидан келишиб олинди.

Республикада ички ишлар идоралари Кинология хизмати фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида АҚШ, Германия, Франция, Австрия мамлакатларидан ҳам делегациялар ташриф буюришди. Буларнинг барчаси биз учун фойдадан холи эмас, албатта.

– Шу кунларда ушбу хизмат олдида қандай долзарб вазифалар турибди?

– Булар соҳамизни малакали кадрлар билан жамлаш, хизмат итлари зотини яхшилаш, хизматни замонавий компьютер техникалари, автотранспорт ва махсус алоқа воситалари билан таъминлашни янада яхшилаш, унинг самарасини оширишдан иборат.

Қаерда раҳбар эътиборли, жонқуяр ва талабчан бўлса, шу жойда ривожланиш бўлади, муваффақият ҳам. Шу ўринда ўз ишининг устаси сифатида Сурхондарё, Навоий вилоятлари ИИБлари кинология хизмати бошлиқлари – милиция капитани А.Холиқов, милиция катта лейтенанти И.Юнусов, Хоразм ва Наманган вилоятлари ИИБ хизмат итлари питомниклари бошлиқлари – милиция подполковниги Р.Рўзметов ва милиция капитани Б.Норматов, Андижон вилояти ИИБ хизмат итлари питомниги бўлим бошлиғи, милиция катта лейтенанти М.Мансуровларнинг хизматини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бобомурод ТОШЕВ
суҳбатлашди.

ЖОНИВОРЛАРГА
ҲАМ МЕҲР КЕРАК

Русланнинг болалигидан итларга меҳри тушган. Бунинг тарихи қизиқ. Тоғасининг "Лайма" лақабли ити бор эди. Бир куни Руслан тоғаваччаси билан анҳор бўйида ўйнаб юрган эди. Лайма ҳам уларнинг кетидан қолмасди. Бехосдан тоғаваччаси сувга тушиб кетиб, чўка бошлади. Руслан шошиб қолди. Ақлли жонивор эса дарҳол ўзини сувга олди. Эҳтиёткорлик билан "кичкина хўжайини"ни ёқасидан тишлаб қирғоққа олиб чиқди.

Шу-шу Руслан Лаймани, умуман итларни яхши кўриб қолди. Ўзи билганича Лаймани буйруқларни бажаришга ўргатди. У "Ёт!" деса ётар, "Тур!" деса турар, товуғу қўйларга қараб юрарди.

Армияда ҳам командирлари Русланнинг тўрт оёқли жониворларга меҳри бўлакчаллигини пайқаб кинологлик курсига юборишди. У ҳарбий хизматда мамлакатимизнинг жанубий сарҳадлари хавфсизлигини таъминлашга ақлли жониворлари ёрдамида муносиб ҳисса қўшди.

– Итларнинг ҳам ўзига

яраша феъл-атвори бўлади, – дейди Руслан. – Агар ўзаро чиқишмасангиз, табиатингиз тўғри келмаса, бирга ишлаб кетолмайсизлар. Дастлаб хизматга келганимда "Дик" лақабли итим бўларди. Жонивор портловчи моддалар топишга ўргатилган эди. Жуда яхши кўрардим уни. Умри қисқа экан, кўп ўтмай саратон хасталигига чалиниб ўлди. Ҳозирги итимга ҳам унинг лақабини кўйдим.

Иккинчи Дик одам исини олишга уста чиқди. Руслан унинг ёрдамида қисқа вақт ичида қатор жиноятларни очди. Май ойи эди, чамаси. Тергов-тезкор гуруҳ таркибида соат 9.30ларда Фазалкентга боришди. Катта йўл четида, икки дўкон оралиғидаги ташландиқ жойда 20-22 ёшлардаги қизнинг жасади ётарди. Руслан воқеа жойидаги итнинг ҳид олишига халал берадиган ашёларни йиғиштиргач Дика кўрсатма берди. Ит ҳид олиб, симтўр оша дарё томон юрди. Руслан ҳам арқонни узун ушлаганча унга эргашди. Дик қирғоқ яқинидаги ташландиқ

чайлани бир айланиб автобус шохбекатида келди. Шу ерда изни йўқотди. Руслан ҳар эҳтимолга қарши итга яна ҳид олди. Дик бу сафар ҳам дарё қирғоғига бориб, қайтиб шохбекатга келди.

– Демак, қотил шу ерда автобусга ўтириб кетган, – хулоса чиқарди Руслан. Тезкор ходимлар ўша атрофдагиларга марҳуманинг суратини кўрсатиб, сураб-суриштиришди. Айримлар ҳақиқатан эрталаб бу қизни бир йигит билан шохбекатда кўришганини айтишди. Тез орада гумонланувчининг шахси ҳам аниқланди. Қотил шу кунидек қўлга олинди.

Яқинда Қибрайда содир этилган ўғирликни эса Дикнинг ўзи охиригача очди. Воқеа бундай бўлган. Бир онахонга ўғли анчагина пул олиб келиб беради. Кампир пулни яшириб қўйиб, ўғлини кузатиб ўзи бозорга йўл олади. Уйига қайтиб келса ҳаммаёқ остин-устун қилинган, деворга осилган гилам ва хона бурчагидаги телевизор йўқ, ҳалиги пул ҳам ўғирланган.

Дик ҳид олиб кўчага чиқди, юриб-юриб қўшни кўчага ўтди. Уйлардан бирининг олдида келганда ичкарига кирмоқчи бўлди. Аммо эшик ёпиқ эди. Бу ёғига тезкор ходимларга ишнинг осони қолди. Улар уйни тинтув қилишганда йўқолган телевизор ҳам, гилам ҳам шу ердан топилди...

– Кинолог итни севиши, унга худди ўз боласидек ғамхўрлик қилиши керак, – дейди Тошкент вилояти ИИБ кинология хизмати ходими, милиция сафдори Руслан Зарипов. – Қўлингиздан овқат еса, мазаси бўлмаганида қарасангиз, ишни дўндирганида мақтаб, эркалаб кўйсангиз, уям сизга меҳр қўяди. Уриш, сўқиш билан эса жониворни ўзингиздан, ишдан совитасиз, холос. Ойлаб, йиллаб қилган меҳнатингиз бир пул бўлиб қолиши мумкин.

Яқинда Русланга ўргатиш учун яна бир ит беришди. У ротвеллер, лақаби "Лучана". Ит анча қобилиятли экан, Руслан уни ўқотар қуроллар, портловчи моддалар топишга, жиноятчининг изини олишга ўргатяпти. Кейинроқ гиёҳвандлик воситаларини топишга ҳам мослаштирамоқчи.

ХУРИШД.

ИСКОВУЧЛАР
ЁРДАМИДА

Қашқадарё вилояти Тожикистон ва Туркменистон билан чегарадош. Бу мамлакатлардан гиёҳвандлик моддалари, қурол-яроғ ва шунга ўхшаш бошқа тақиқланган товарларни юртимиз ҳудудига олиб киришга уринувчилар ҳамон учраб турибди. Шунинг учун барча блок-постларда, ЙПХ масканларида кинологлар ўзларига бириктирилган хизмат итлари билан кечаю кундуз фаолият кўрсатишяпти.

Бундан ташқари фуқароларимизнинг хавфсизлигини таъминлашда ҳам хизмат итларидан самарали фойдаланилмайди, дегани эмас. Шу йил 6 май куни Шахрисабз тумани Гулистон ширкат хўжалигида яшовчи Насиба Отабоева икки кундан буён укаси Дилшоднинг дарағи йўқлигини маълум қилди. Тергов-тезкор гуруҳ таркибида милиция сержанти Бахтиёр Мухаммадиев ҳам "Чарли" лақабли хизмат ити билан воқеа жойига чиқди. Чарли ис олиб, жабранувчининг молхонасига келганда ер тирнайверди. Ўша жой қавланганда Дилшод Отабоевнинг жасади топилди. Қотилликни О. Алишер содир этгани аниқланди.

Ёки 13 июндаги воқеани олайлик. Шу куни Қашми тумани Чим ширкат хўжалиги ғалла майдонида Карвон қишлоғилик Зафар Бўриевнинг жасади топилди. Ташқи белгиларига қараганда, мархум сим билан бўғиб ўлдирилган эди. Туман ИИБ милиционер-кинологи, милиция сержанти Бахтиёр Саломов "Лорд" лақабли хизмат итини қўллаб, тезда қотилни қўлга олди. У Қашми шаҳрида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, муқаддам судланган кимса бўлиб чиқди.

Дилмурод ГУЛМУРОДОВ,
милиция майори.

UCHINCHI

«Postga»
gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, +
HAYRATOMUZ VOQEALAR,
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

TV OLAM

Кўпчилик "Кўзичоқлар сукути", "Ганнибал" номли голливуд фильмларини кўрган бўлса керак. Аммо бу триллерларнинг бош қахрамони Ганнибал Лектернинг ҳаётда прототиби борлигини камдан-кам одам билади. У ҳозирда Англия турмаси "Вудхилл"да умрбод қамоқ жазосини ўтаётган, бир неча кишининг ҳаётига зомин бўлган Роберт Модслидир.



Роберт Модсли

ЁРИЛГАН БОШ ЧАНОФИДАГИ ЧОЙ ҚОШИФИ

Роберт Модсли биринчи марта 20 ёшлигида жиноятга қўл урганди. Ушанда у айтарли ҳеч қана қанга сабабсиз ўз тоғасини бўғиб ўлдирган эди. Ушбу жиноят Робертни яхши билган кишиларни ҳайратга солди. Чунки ҳамма уни юмшоқ ва беозор зиёли деб ҳисобларди. Бу қилмиши қотилнинг ўзини ҳам ҳайрон қолдирганди. У гарчи ўзининг даҳшатли қилмиши сабабларини аниқ тушунтириб бера олмаган бўлса-да, қилган ишдан беҳад афсусда эди. Суд жараёни олдидан ўтказилган рухий экспертиза шуни кўрсатдики, Роберт Модсли ўз хатти-ҳаракати учун қонун олдида мутлақо жавоб бера оларди, фақатгина "маълум даражада рухий беқарор эди", холос. Бундан ташқари, руҳунослар қотилнинг юқори даражадаги интеллектуал қобилиятлар эгаси эканлиги ҳамда мусиқа, шеърят ва рассомчиликни яхши билишини таъкидлашган.

Жазони ўтаётган биринчи йиллик, Модсли муассаса касалхонасида яна ҳеч қандай сабабсиз бошқа бир маҳкумга ташланиб, уни бўғиб ўлдирди. Кейин камералоши билан тўққиз соат давомида бошқа бир маҳкумни ваҳиёна қийнаб, уни ўз қўли билан нобуд қилади.

Шундан сўнг маньякни қаттик

ХОРИЖЛИК ОЛИМЛАР СУПЕРМАНЪЯКНИНГ МИЯСИ УЧУН 38 МИНГ ЕВРО ТўЛАШГА ТАЙЁР.



ОДАМЖУРНИНГ СУКУТИ

тартибдаги "Вейкфилд" қамоқхонасида олиб келишади. Бўғувчи восвос ҳақидаги миш-мишлар тез орада ушбу ахлоқ тузатиш муассасаси маҳкумларига ҳам етиб борди. Модслидан ҳатто сайр вақтида Ирландия инқилобий армияси жангарилари ҳам чўчиб юрадиган бўлишди. Ваҳоланки, уларни кўрқитиш осон эмасди.

Бир куни Роберт қоровулга: "Эртага йўқлама вақтида иккита маҳкум жавоб бермайди", – деди. Дастлаб қамоқхона бошлиқлари унинг гапларини маньякнинг совуқ ҳазили деб қабул қилишди. Лекин эртасига эрталаб камераларнинг биридан шаҳвоний жиноятлари учун қамалган иккита маҳбус ўлик ҳолатда топилди. Улардан бирининг ёрилган бош чаноғидан чой қошиқ чиқиб турарди. Ушбу даҳшатли қотилликни ўз кўзи билан кўрган гувоҳларнинг ҳикоя қилишига қараганда, Модсли бечораларни дастлаб бўғиб ўлдириб, кейин улардан бирининг бошини сайил вақтида олиб келган тош билан ёриб: "Жуда маза-ли, жуда яхши", дея ҳали совиб улгурмаган миёни ея бошлади. Шундан кейин маньякни Каннибал деб атай бошлашган.

ЙИГИРМА ЙИЛ ЁЛГИЗЛИҚДА

Ушбу кўшалоқ қотилликдан кейин Роберт Модслини бир кишилик камерага ўтказишади, у 20 йилдан бери ўша ерда сақланяпти. Қамоқхона ходимлари маньякнинг ўзларига яқин келишидан

кўрқижарди. Орадан фақатгина ўн икки йил ўтгач тиш-тирноғигача қуролланган кўриқчилар назорати остида унинг ўсиб кетган сочини кесиб қўйишди.

Ҳозирда Каннибал Англиянинг қаттиқ тартибли турмаси "Вудхилл"да жазони ўтамоқда. Бу ерда фақат умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар сақланади. Модслининг бир кишилик камераси турма ертўласидаги 5x4 метр ўлчамли хонадир. У ерда бирорта ҳам ортиқча нарса йўқ; бетон каравот, устига юпка тўшак солинган прессланган картондан ясалган стол ва стул (атайлаб кўриқчига ёки ўзига жароҳат етказмасин деб шундай қилинган). Камерада биронта ҳам ўткир тигли, қиррали нарса сақлашга руҳсат йўқ. Темир эшик ҳамда камерага овқат киритиш учун туйнук қолдирилган. Ўқ ўтказмайди-ган ойна – фақатгина шу маньякни ташқи дунё билан боғлаб туради.

"Вудхилл"да бу маҳкумни камерадан ташқарига олиб чиқилганда хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилинади. Кунда бир марта шлём, ниқоб ва зирхли нимча кийган олти нафар кўриқчи ҳамроҳлигида уни душга олиб боришади. Ҳар куни маҳкумни бир соатлик сайрга олиб чиқишади. Сайр вақтида у еттита қуролланган назоратчи ва йиртқич кўриқчи ит назорати остида турма ҳовлисида айланиб юради. Турма маъмурияти Роберт Модслининг ушбу қамоқхонада жазосини

ўтаётган қотил ва маньяклар орасида энг хавфлиси эканлигини яширишмайди. "У ўлимни яхши кўради, – дейди "Вудхилл" бошлиғи. – Шунинг учун биз уни бу ерда умрбод қолдираемиз".

Тез орада қамоқхона бошлиқларининг овозгарчиликлари ва хавотирлари тугайдиганга ўхшайди. Сўнгги пайтларда Роберт Модсли жиддий тоби қочиб, кўп вақтини ўз камерасида эмас, турма касалхонасида ўтказяпти. У иштаҳасини йўқотиб, жуда озич кетган. Маньяк кўп сув ичиб, нафақат турма ходимлари, балки тиббий ходимлар билан ҳам гаплашишдан бош тортяпти. "Каннибал Лектер"нинг сукут сақлаш вақти келди", – деб уларнинг бири совуқ ҳазиллашди. Яқин орада Роберт Яратганнинг олдида қилган гуноҳлари учун жавоб бериб, жаҳаннамга мангу равона бўлса ажаб эмас.

Ҳозирдаёқ марказий асаб тизими билан шугулланувчи англиялик ва америкалик олимлар маньякнинг миёсини тиббий тадқиқотлар учун сотиб олиш ҳуқуқи устида курашишмоқда. Буюк Британия Соғлиқни сақлаш вазирлиги Каннибалнинг миёсини 38 минг еврога сотиб олиш ҳақида тиббиёт институтларининг биридан таклиф олди. Лекин вазир ҳали бу фойдали таклифга жавоб берганича йўқ. Чунки у савдони давом эттириб, баҳони янада кўтармоқчи. Олимларнинг фикрига қараганда, маньяк миёсининг ўрганилиши унинг ҳайвонларча ёвузлиги сирини очишда ва Роберт Модслига ўхшаганларни ўз яқинларини ўлдирish иштиёқидан қайтаришга ёрдам беради.

АНТИҚА ҲУКМ

АҚШнинг Техас штати фуқароси Куртис Робинс суд ҳукмига кўра пластмассадан ясалган кучук уясида яшашига тўғри келди. Сабаби, судланувчи ўзининг вояга етмаган ўғлини ҳаммиша автомобиль антеннаси билан савалаган. Бир куни момақалдироқ бўлиб, чақмоқ чақиб турганда уни уйга киритмаган. Натижада болакай кучукнинг инида тунашга мажбур бўлган.

Суднинг ҳукмини ижро этиш учун штат прокуратураси маҳкумнинг уйи рўпарасига эни 60 см, узунлиги 100 см келадиган ит уяси ўрнатди. Ҳар оқшом техаслик 38 ёшли бу киши инқиллаб-синқиллаб, амаллаб ўз "ётоғи"га кириб кетади. Томошаталаб кўни-қўшнилари унинг устидан кулиш учун атайлаб тўпланишади. Маҳаллий полиция ходимлари ҳар кеча бир неча марта Куртис Робинс суднинг ҳукмини бажараётганини назорат қилишади.

ТОВАЛАМАЧИ ҚАЙНОНАЛАР ВА СЕПСИЗ КЕЛИНЛАР

Деҳли четидаги Тихар турмаси товламачи қайноналарга тўлиб кетган. Қамоқхона маъмурияти вакиласининг айтишича, сўнгги пайтларда бу тоифадаги жиноятчиларнинг сони ортиб борапти. Улар келинларига айтилган сепни олиб келмаганлари учун зуғум ўтказганликда айбланишган. Бу Ҳиндистонда товламачи қайноналар сақланадиган ягона қамоқхона. Аҳвол шу тарзда давом этаверса унга ўхшаган яна битта ахлоқ тузатиш муассасаси қуришга тўғри келар экан.

Қадимий ҳинд одатига кўра, агар келин сеп сифатида эрининг қариндошлари айтган миқдорда пул ёки қимматбаҳо буюмлар олиб келмаса уни калтаклашган, оч қолдиришган. Эрининг уйи шўрлик сепсиз келин учун ҳақиқий дўзахга айланган. Ҳатто айрим эрлар хотинларининг устига ёқилли сепиб, ўт қўйиб юборишган. Кейин бахтсиз ҳодиса рўй берди, деб овоза қилишган. Ҳиндистон қонунларида товламачи, тамагир қайноналарга нисбатан тегишли жазолар кўзда тутилган.

Қизини шундаки, панжара ортида ҳам қайнона қайноналигича қоларкан. Уларнинг аксари айбларини тан олмасдан, буларнинг бари-ни маккора келинларининг тухмаига йўйишяпти.

Африка қабилалари ҳаётидан

ТАТУИРОВКАЛИ АЁЛЛАР

Кау-ньяро қабиласи яшайдиган жойга бориш учун сабр-тоқат ва тириш-қоқлик талаб қилинади: Жанубий Судан бўйлаб саёҳат қилишга ҳукумат розилиги керак бўлади. Судан ҳоқимияти вакиллари эса ўзларининг ишларига бошқа ерликларнинг (ҳатто улар олимлар бўлса ҳам) аралашиларини ёқтиришмайди ва мамлакат фуқароларини ҳар қандай шаклда тасвирга туширишни тақиқлашади. Кўп қишлоқларга ҳатто осойишталик постларининг постлари қўйилади!

пайтдаги бош мураббийи Дино Зофф чехиялик футболчига катта ишонч билдириб жамоага қабул қилди. Қисқа муддат ичида П.Недвед римликлар ишончини қозонди. У "Лацио" таркибиде Италия кубоги (1998 йил), Италия суперкубоги (1998, 2000 йиллар), Европа Кубок эгалари кубоги (1999 йил), Европа суперкубоги (1999 йил) соҳиб бўлди. 2000 йил мамлакат чемпионлигини қўлга киритди.


Недвед "Лацио" таркибиде 2001 йилгача тўп сурди. Кейин "Ювентус" таркибига ўтди. Павел жамоа раҳбарияти ишончини оқлади. У қисқа вақт мобайнида "Ювентус" етакчисига айланди. 2002 ва 2003 йилги мавсумларда "скудетто" соҳиб бўлди.

Недвед жамоасининг мамлакат чемпионлигини қўлга киритишидан ташқари, Еврокубоклардаги муваффақиятли иштирокига ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Ўйинга бу-

тун борлиги билан киришиб кетадиган бу футболчи, метин иродаси эвазига кўпгина мураккаб вазиятларда жамоасига очко келтирган. Қолаверса, Недвед ярим ҳимоячи сифатида танилгани билан универсал футболчилардан ҳисобланади. У ҳар иккала қанотда, марказда ишончли ўйнайди. Хужумга қўшилган пайтда ҳақиқий хужумчига айланади. Майдонни жуда яхши кўра олади, жамоадошларини тўп билан таъминлаб туради. Бунга Италия "А" сериясидаги ёки Европа чемпионлар лигасидаги "Ювентус" учрашувларида гувоҳ бўлганмиз. Недвед учун анча муваффақиятли кечган ўтган мавсумда футболчи қалбиде бир армон қолди. Павел "Ювентус"нинг Европанинг энг сара жамоалари қаршилигини "синдириб", чемпионлар лигаси финалига чиқишига улкан ҳисса қўшди. Бироқ ярим финалдаги жавоб учрашувида огоҳлантириш олган футболчи финалда катнашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди.

П.Недвед Чехия терма жамоасида ҳам барқарор ўйин намойиш этади. У ҳозиргача бу таркибда 70 марта майдонга тушган. Рақиблар дарвозасини 16 мартаба ишғол қилган. "Ювентус" ва терма жамоа сафидаги муваффақиятли ўйинлари учун Чехиянинг 2003 йилдаги энг яхши ўйинчиси, деб топилди.

Боҳир БЕК.



Хизматларда

ЙЎЛЧИРОҚ ФАҚАТ ҲАЙДОВЧИ УЧУНМИ?

Йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари томонидан кенг миқёсда профилактик ишлар олиб борилаёпти. Шунга қарамай вилоят ҳудудида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари сони камаймаяпти. Корий йилнинг 6 ойида 90 дан ортиқ йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, икки юз нафарга яқин дам тан жароҳати олган. 50 ҳаётдан кўз юмганлар ҳам бор.

Пиёдалар ҳаётини муҳофаза қилиш ҳар бир ҳайдовчи ва ЙПХ ходимларининг асосий бурчидир. Аммо бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда ҳайдовчи зийраклигию ЙПХ одимининг жон куйдирили етарли эмас. Фуқароларнинг йўлларда ҳара-

катланиш қоидаларига риоя этишлари ҳам улар хавфсизлигини таъминлашда бош омиллардан бири ҳисобланади. Афсуски, қоидаларни бузишда пиёдаларимизнинг олдига тушадигани ҳеч қаерда бўлмаса керак. Улар йўлчи-роқ нафақат ҳайдовчига балки пиёдага ҳам йўл кўрсатишини ҳаёлларига келтирмайдилар. Йўлларимизда пиёдалар ҳаракатига мўлжалланган йўлаклар бўлгани ҳолда, улар транспорт воситалари қатнови қисмида бамайлихотир юрадилар ёки ҳаракатланиб келаётган машина олдидан кутилмаганда югуриб ўтишади. Кўпчилик назарга илмайдиган бундай қоидабузарликлар оқибатида кўнгилсиз ҳодисалар

содир этилиши ҳеч гап эмас.

Сўнгги пайтларда ярим тунда Термиз тумани ҳудудида жойлашган Термиз ота зиёратгоҳига болалар ўзбошимчалик билан, гуруҳ-гуруҳ бўлиб боришлари ва йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмасликлари натижасида бир неча йўл-транспорт ҳодисаси содир этилди. Аммо шунга қарамай ота-оналар фарзандларини назорат остига олишмаяпти.

Вилоятимиз ҳудудида рўй берган йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили, сабаб ва шароитлар ўрганиб чиқилганда уларнинг ҳар учдан бири пиёдалар айби билан келиб чиқаётгани маълум бўлди. Бундан ташқари йўл-

транспорт ҳодисаларининг асосий қисми ҳайдовчилар томонидан маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш, белгиланган тезликнинг оширилиши, қувиб ўтиш қоидаларига амал қилмаслик, қарама-қарши йўналишга чиқиб кетиш, тунда ёритиш чирокларидан нотўғри фойдаланиш, чарчоклик оқибатида рулда ухлаб қолиш натижасида рўй бермоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври давомида вилоятимиз ҳудудида рўй берган қоидабузарликларнинг 2400 тага яқини маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш, 9600 тадан ортиги пиёдалар томонидан йўл қўйилгани ҳайдовчи ва пиёдалар ўртасида йўл-транспорт интизомига риоя этиш ниҳоятда сустиглигини кўрсатиб турибди.

З. ХУДОЙМУРОДОВ,
милиция капитани,
Сурхондарё вилояти.

САДОҚАТ

Каримжон Дадаходжаев Ички кўшинлар сафида хизмат қилишни милицияда ишлаб юрган кезлариёқ орзу қиларди. Албатта, ҳар бир соҳанинг ўз қийинчиликлари бўлади. Ҳарбийликнинг тартиб-интизомига ҳамма ҳам чидайвермайди. Аммо тиришқоқ ва ўз касбини севганлиги учун у барча қийинчиликларни енгиб ўтишга муваффақ бўлди. Берилган топшириқ ва вазифаларни ўз вақтида аъло даражада уddалаганлиги боис К. Дадаходжаев раҳбарият ишончини қозонди. Тез орада уни ҳарбий қисм командирлигига тайинлашди. Мана уч йилдирки, у бошчилик қилаётган жамоа ижобий натижаларни қўлга киритиб келаяпти.

– Кишки ўқув мавсумини яхши баҳолар билан яқунлаб, ёзги машғулотларни аълога топширишга ҳаракат қилмоқдамиз, – дейди подполковник К. Дадаходжаев. – Ниятимиз Ички кўшинлар қисмлари ичида биринчи бўлиш. Ҳарбий хизматнинг ўз қийинчиликлари бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Ҳарбий қонун-қоидага ўзлаштириб олган аскар ўзини эркин ҳис қилади. Бу йилги аскарлар тарихда қолади, чунки келгусида чақирув бўлмайди. Энди ҳарбийлар шартнома асосида хизмат қилади.

Қисмимиз хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатаётгани сабабли ҳар бир сўмни тежаб-тергаб ишлатамиз, имкониётдан келиб чиқиб ободончилик ва ҳомийлик ишларига маблағ ажратаймиз. Аскарларнинг тузилган кунлари учун совгалар ва концертлар уюштирамиз. Қасамёд қабул қилиш кунларига Олтиариқ туман ҳокимияти вакиллари, фахрийлар кенгаши аъзолари, туман ИИБ раҳбарлари тақлиф этилади. Шунингдек, ёш аскарларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳам катта эътибор бериб келинмоқда. Бу борада Риштон туманидаги 12- ва 24-мактабларни оталиққа олганмиз. Вақти-вақти билан юқори синф ўқувчиларини қисмимизга тақлиф этиб, ҳарбийлар ҳаёти билан бевосита танишишлари имконият яратиб берилмоқда. Кам таъминланган оилаларда камол топаётганлар учун ўқув қуроллари ва кийим-кечаклар ажратдик. Йигитларимиз ўта муҳим иншоотларни қўриқлашади. Корхоналар маъмурияти улар учун яхши шароитлар яратиб беришган. Ошхона, дам олиш ва ювиниш хоналари мавжуд.

– Хизмат оғир эмас, мақсадимиз Ватанга садоқат билан хизмат қилиш, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдан иборатдир, – дейди гуруҳ билан қашқадарёлик оддий аскар Жасур Туропов.

Аскарларимиз ичида белгиланган муддат ўтган қисмда қўлиб хизматни давом эттириш истагини билдирувчилар ҳам анчагина. Улар бу ердан боргач милиция сафида ишлашни исташади. Дастлабки шартнома 3 йилга, кейин 5 йилга, ундан сўнг эса 10 йилга тузилади. Бу давр ичида у шахсий уй-жойга ва бир неча имтиёзларга эга бўлади. Қисмимизда қолиб, турли лавозимларда намунали хизмат қилиб келаётган штаб бошлиғи, майор Абдувоҳид Абдуллаев, взвод командири, катта лейтенант Жуманазар Абдурахимов, сержант Рустам Исақов, шунингдек, Шавкат Мамадалиев, Солижон Мамадеҳқоновлар ёш аскарларнинг фахрига айланишган.

М. КИМСАНБОЕВ.

ҚУРИЛИШДА ИШ ҚИЗГИН

Қорақалпоқ билан Хоразм заминини боғловчи улкан автомобиль ва темир йўл кўприги қурилиши мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини таъминлашда ўзига хос ўрин тутади.

– Ишчилар учун барча шароитлар етарли, – дейди 14-Тахиятош кўприги қурилиши отрядининг катта раҳбари Турсунбой Нуржанов. – Қурилиш материаллари ўз вақтида элиб турибди. Жорий йил баҳори-

да объект Тўрткўл туман ИИБ кўриқлаш бўлими ходимларига топширилди. Улар нафақат қурилиш материалларига ўч ташмачилар, балки “уйча”ларимиз атрофида соясалқин берувчи туронги дарахтла-

рини кесиб кетувчиларнинг ҳам пайини қирқишди.

– Дарҳақиқат, милиционерлар хизматидан мамнунмиз, – деб суҳбатга кўшилди “13-Тошкенткўприкқурилиш” отрядининг прораби Е. Андреев. – Улар туфайли кўп миллатли жамоада тартиб-интизом юксак даражага кўтарилди. Ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг олди олинди.

– Объектга тажрибали, малакали ходимларни жалб этганмиз, – дея ишдаги ютуқлар сабабини изоҳлайди туман ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими бошлиғи, милиция капитани Шухрат Жумабаев. – Чунки мамлакатимизнинг турли бурчакларидан жалб этилган ишчилар орасида ички ишлар ходими нафақат хизмат фаолияти, балки юриш-туриши, дунёқараши, муомала маданияти билан ҳам ажралиб туриши керак.

Қурилишдан қайтар эканман, яна бир йилдан кейин бу ерларда бўладиган ғаройиб ўзгаришларни кўз олдига келтирдим. Илгари шу жойда кўприк қурилиши эртақдай туюлган бўлса, бугун у ҳақиқатга айланди.

Х. ДУРДИБОЕВ.

Суратда: бўлима командири, милиция катта сержанти Шермат Султонов, сержантлар Б. Аннаев ва Қ. Жуманиёзовларга навбатдаги топшириқни бераёпти.

О. ОТАЖОНОВ олган сурат.



КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

Маълумки, мамлакатимизда баҳор ва куз йларида таркибида гиёҳвандлик моддалари ўлган экинларни ноқонуний равишда экиб, стириш, ўтказиш ҳамда сотиш каби иллатларга қарши курашиш мақсадида тадбирлар тказилади. Ҳуқуқ-тартибот ходимлари, усусан, республика ИИБ ЖК ва ТҚКББ Наротрафик ва гиёҳвандлик моддаларини йириқонуний айланишига қарши кураш ошқармаси, унинг жойлардаги бўлимлари одимлари тадбирнинг биринчи босқичини кунладилар. Бошқарма бошлиғи, милиция олковниги А. Жўраевдан ушбу давр мобайида амалга оширилган ишлар ҳақида ёзлаб беришни сўрадик.

– Шу йил 1 майдан бош-б “Қорадори – 2003” нг қамровли тадбири спубликаимизнинг барча поятларида ушқоқлик пан ўтказилди. “Ўзбекис-ч ҳаво йўллари” миллий

авиакомпаниясига қараш-ли вертолётлардан фойда-ланиб, назоратли учишлар амалга оширилгани яхши самара берди. Вилоятлар-да ишни ташкил қилиш учун бошқармамиз ходим-

лари хизмат сафарларига юборилди. Натижада 16675 кв. метр жойдаги ноқонуний экилган, тарки-бида гиёҳвандлик моддаси бўлган экинлар аниқланиб, йўқ қилинди. Бундай қонун-бузарликка йўл қўйгани учун 700 нафардан ортиқ шахсга нисбатан жиноят иши кўзғатилди. Тадбир давомида жами 127 кило-дан ортиқ гиёҳвандлик моддаси қўлга олинган, шундан 45 килога яқини героиндир. Бундан ташқари оғуни ўтказиш, ташвиш, бангихона очгани учун ҳам олти юздан ортиқ фуқаро-га нисбатан жиноят иши кўзғатилди.

Қашқадарё вилоятининг Чирокчи туманида ўтка-зилган назоратли учишлар давомида “Чиял” жамоа

хўжалигида яшовчи кекса-лар Х. Роза, А. Давлат, А. Мусаллам, тойлоқлик Х. Тўлганлар ўз томорқалари-да кўкнор экиб, ўстири-шаётгани аниқланди. Эл-юртнинг обрўси бўлган бу отахонлар қинғир қилмиш-лари учун ички ишлар хо-димлари олдида ер чизиб қолдилар. Аниқланган экинлар йўқ қилинди. Айб-дорларга эса қонуний чо-ралар кўрилди.

Сурхондарё вилояти Кумкўрган туманида яшов-чи Ф. Файзулло соғлом, ақл-хушли йигит. Лекин ҳеч қаерда ишламайди. Оғуни пуллаб, тенгдошлари бир йилда ишлаб топадиган пул-ни бир зумда қўлга кирита-ди. У 539 грамм опийни бир миллион икки юз минг сўмга пуллаётганда қўлла-

рига темир “билакузук” та-қилди. Самарқанднинг Сиеб туманида 845 грамм опий-ни 3300 АҚШ долларига со-таётган ургутлик Х. Олим, 1 килодан кўпроқ марихуана-ни 290000 сўмга пуллаётган шахрисабзлик Қ. Мустафо, сирдарёлик К. Аваз ҳамда унинг шериги Қ. Ҳалимлар ҳам бир кило марихуанани 900 АҚШ долларига соти-шаётганда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари уларни қўлга олдилар.

Кишини ўйлантираётган-ни, билаги кучга тўла йи-гитларнинг оғуфурушлик қилиши, била туриб ўзла-ри каби ёшларнинг ҳаёти-ни захарлашларидир. Яна бир томони, ҳеч қаерда ишламаса-да, бадавлат ҳаёт кечирувчи оғуфуруш-лар наҳот маҳалла аҳли, профилактика инспектор-лари эътиборини торт-майди?

Тадбир давомида Ховос темир йўл бекатида текши-

риб кўрилган Бекобод ту-мани Янгиобод кишлоғида яшовчи М. Абдурасул, А. Абдурасул ва А. Зиёдул-лаларнинг ёнидан 1 кг ге-роин топилди. Уччала нав-қирон йигит бу “мол”ни қаердан, нима мақсадда олганини тергов идорала-ри аниқламоқда. Шунинг-дек, фарғоналик Х. Дилшод ҳамда Тожикистоннинг Ис-фара шаҳрида яшовчи Н. Рустамовлар 1 кило опийни 5000 АҚШ долла-рига сотаётганда далилий ашёлар билан қўлга олин-дилар. Бундай мисоллар-ни яна кўплаб келтириши-миз мумкин.

Тадбирнинг биринчи босқичи яқунланди. Лекин бу гиёҳвандликка қарши ку-раш тугади, дегани эмас. Инсон умрининг заволи бўлган захри қотил бор экан, унга қарши аёвсиз кураш давом этаверади.

Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА.

Хатлар таҳлили

САТРАЛГА ЖО БЎЛГАН ТИЛАКЛАР

Обод маҳалла йили ушбу масканларда истиқомат қилаётган фуқаролар учун катта имкониятлар яратди. Маҳалла фуқаролар йиғини раислари, профилактика инспекторлари ва кенг жамоатчилик ҳамкорлигида кўплаб хайрли ишлар қилинапти. Шу бондан бўлса керак, тахририятимизга келаётган мактубларнинг аксарияти айнан маҳаллалар ҳаёти билан боғлиқдир.

Асака шаҳар ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори, милиция катта лейтенанти **И. Мамадалиев** ўз мақоласини “Маҳалла маҳаллада” деб номлади. Муаллиф шаҳардаги Улуғбек маҳалласи яраштириш комиссияси аъзолари томонидан К. Камолова раислигида оилавий келишимчиликлар ва ажрашишларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларни очиб беришга ҳаракат қилган. “Маҳалла фаолларининг саъй-ҳаракати, кексалар насиҳати, профилактика инспектори ва тарбиячи-педагог кўмаги туфайли инқирозга юз тутган бир оила сақлаб қолинди, — деб ёзади муаллиф тўққинлиб. — Маҳалла маҳалла эканда. Тилагим, бу гўшалардан асло тотувлик аримасин”.

Бекобод шаҳар ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, милиция катта сержанти **Р. Яфаров** ўзига бириктирилган ҳудудда осойишталикни сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда бошқа хизмат вакиллари, маҳалла посбонлари, жамоат ташкилотлари томонидан қўрсатилган беминнат ёрдамни

тилга олган. Худудда патрулик ишларини амалга ошириш учун оталиқ қорхона — “Ўзметкомбинат” томонидан ҳар куни транспорт воситаси ажратилаётган экан.

Жиноий ишлар бўйича Бешариқ туман судининг раиси **Б. Таваккалов** ва жамоатчи мухбир **М. Ғаниевалар** “Безори аёллар” деб номланган мақолада Обод маҳалла йилида жойларда ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва фоҳишабозликка қарши кескин кураш очилгани ҳақида мулоҳаза юритишади. Тошкент тумани Гултепа маҳалласи фуқароси **Р. Раҳмонов** ўз номасида тўйлар тинч-тотув, хурсандчилик билан ўтаётгани, Уртачирчиқ туманидаги Дегантепа маҳалласида яшовчи отахон **Қ. Тўхлиев** эса ҳамжиҳатлик юзага келишида бу ерда тез-тез уюштирилаётган тадбирлар катта аҳамият касб этаётганини маълум қилганлар.

Тахририятга келаётган ҳар бир мактуб биз учун ниҳоятда қадрли. Зеро, уларда мамлакатимизнинг турли жабҳалари, хусусан ички ишлар идораларида рўй бераётган ўзгаришлар, фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган ходимлар ҳақида билиб олаётишимиз.

Яна бир томони, мақолаларда кўтарилаётган мавзулар, айтилаётган тақлиф ва истаклар гажета мазмуни ҳамда келгуси режаларни белгилашимизда асқотаяпти. Бироқ материаллар билан танишганимизда айрим жузъий камчиликлар кўзга ташланмоқдаки, бу уларнинг мазмун-моҳиятига таъсир кўрсатмай қолмаяпти, албатта. Шу ўринда аскар **Н. Йўлдошева** йўлаган “Орзулар ҳақиқатга етаклар” сарлавҳали мақола ҳақида тўхталмоқчимиз. Унда республикамиз Куролли Кучлари сафида ўн йилдан буён тиббиёт ходими бўлиб ишлаётган кичик сержант Нурия Сероглазова ҳақида гап боради. Аммо у киши қайси вилоят ёки шаҳарда яшаётгани ва меҳнат жамоаси номаълум. Бундан ташқари тақдим этилган сурат талабга жавоб бермайди.

Бухоро тумани прокурори, адлия катта маслаҳатчиси **Д. Собировнинг** “Мудир мулзам бўлди. Нега?” деб номланган мақоласида туманда чорвачиликни ривожлантиришга берилаётган эътибор ва бу прокуратура томонидан назоратга олингани ҳақида гап боради. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда йўл қўйилаётган нуқсонлар ҳам санаб ўтилган. Бироқ мавзу газетамизнинг йўналишига тўғри келмайди.

Шунга ўхшаш жиҳатлар қўлимиздаги бошқа материалларда ҳам учрайди. Ургут туманидан мактуб йўлаган **Б. Усарова** бозорда осойишталикни таъминлаётган милиция ходимлари ҳақида фикр юритган. Аммо далиллар етарли эмас, посбонларнинг лавозимлари келтирилма-


ган, амалга оширилаётган ишлар очиб берилмаган.

Термиз темир йўл бекати тармоқ ИИБ тергов бўлинмасидан милиция майори **Ш. Эшмўминовнинг** мақоласи “Қайнона ва куёв оғуфурушлар” деб номланган. Кўриб турибсизки, мавзу долзарб. Қайнона ўз номига муносиб бўлиш ўрнига куёви билан бирга миллий қадриятларимиз илдизига болта ураяпти. Мақола муаллифининг кузатишлари, фикр-мулоҳазалари асосида ёритилганда мукамал чиқарди. Афсуски, у куруқ баёндан иборат бўлиб қолган. Ушбу мавзу тахририятимизга мактуб йўлаган **Н. Саидзимовнинг** “Ўжар қайнонанинг

тавбаси” мақоласида ҳам давом эттирилади. Муаллифнинг яшаш манзили кўрсатилмаган.

Биз шунингдек, Сурхондарё вилояти Олтинсой туманилик **Ж. Қодиров**, Тошкент шаҳар прокурори ёрдамчиси **С. Алибоев**, Шаҳрихон туманидан милиция подполковниги **Р. Турғунов**, Наманган вилояти Чортоқ тумани Ўзбекистон кўчасида яшовчи **Н. Тиллабоева**, Тошкент тумани Келес шаҳридан **Б. Одилов**, Тошкент шаҳри Гвардиячи кўчасида яшовчи **Д. Тўлаганов**, сирдарёлик **О. Маматов** ва бошқалардан ҳам турли мазмундаги хат-хабарлар олдик. Уларда ҳам юқоридаги каби камчиликлар борлиги туфайли газетада эълон қилишнинг имкони бўлмади. Бунинг учун узр сўраб, келгусида пишиқ-пухта материаллар кутиб қоламиз.

Хатлар бўлими.



Қорақалпоғистонлик йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари турли хил йўл-транспорт ҳодисаларининг камайиши, ҳуқуқбузарлик ва қонуёнбузарликларнинг олдини олиш учун фаол ҳаракат қилмоқдалар.

Суратда: ЙҲХБ 2-сафарбарлик гуруҳи ИПХ инспектори, милиция лейтенанти **М. Бекбаулиев** хизмат пайтида.

О. ОТАЖОНОВ олган сурат.

Маърифат дарси

МИЛИЦИЯ ХОДИМИНИНГ КАСБ МАДАНИЯТИ

Ички ишлар ходимлари ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи деган шарафли ва масъулиятли касб эгаси сифатида фаолият кўрсатадилар. Жамиятда ўзига хос ўрин тутган бу инсонлар ахлоқли ва маданиятли бўлишлари лозим. Шундагина атрофдагиларга ҳар жиҳатдан ўрнак бўлади, жамиятда ўз ўрнини белгилаб олади.

Ҳуқуқ-тартибот ҳимоячиларининг ахлоқи ва маданиятининг шаклланиши, мукамаллаштиши кўп асрлардан бери давом этиб келади. Бу ҳақда алломалар, ўз даврининг илгор кишилари томонидан қимматли фикрлар билдирилган.

Ички ишлар ходимларининг касб маданияти бажарётган вазифаси ва бурчининг адо этилишида катта аҳамиятга эга эканлиги боис ҳам унга алоҳида эътибор талаб этилади.

Жамиятимизда умуминсоний ахлоқ принциплари мавжуд бўлиб инсонпарварлик, ўзаро ёрдам, ишонч, ҳамжиҳатлик, тинчликсеварлик, ватанпарварлик, адолатчилик, одамийлик ва бошқа жиҳатларни ўз ичига олган. Ички ишлар ходимларининг фаолиятида булар ижобий тарзда намоён бўлиши лозим. Касб ахлоқ принциплари амалда ахлоқ нормалари орқали вожиб бўлади. Ички ишлар ходимлари касб ахлоқ нормалари деганда жамият, давлат, вазирилик томонидан ишлаб чиқилган, уларнинг хулқи,

феъл-атворларини тартибга солувчи, бажарилиши шарт бўлган ахлоқий-ҳуқуқий талаблар мажмуаси тушунилади. У ҳушмуомалалик ва камтарлик, ҳалоллик ва ростгўйлик, очик кўнгиллик ва дангалчилик, саҳийлик ва мурувватчилик, ўзаро ҳурмат, дўстона муносабат, самимийлик, катталарни ҳурмат қилиш ва бошқа хислатлардан иборат.

Ички ишлар ходимларининг эстетик маданиятини шакллантиришда санъат алоҳида ўрин тутаяди. Ҳар бир инсон, жумладан, милиция ходими санъатнинг бирор турини яхши кўради, ундан завқ олади. Уни тинглаш, кўриш, томоша қилиш жараёнида маънавиятини бойитади, маданий савияси ўсиб боради. Шу боис ҳам жойларда ходимлар маданиятини оширишда санъат турларидан кенг фойдаланишга эътибор бериш лозим.

Ички ишлар ходимлари хизмат вазифаларини бажариш чоғида аҳолининг турли-туман қатламлари билан муомалада бўлади. Шу маънода муомала

маданияти улар учун энг зарур хислат ҳисобланади. У чиройли хулқ-атвор, ораста кийиниш, нутқ маданияти кабиларни ўз ичига олади.

Хулқ-атвор инсон муомаласи, руҳияти, феъли, хатти-ҳаракати, одати, қилиқларидаги хусусиятларнинг йиғиндиси ҳисобланади. Нутқ маданияти деб кишиларнинг ўз фикрларини бир-бирлари, фуқаролар, аҳолига тил воситаси орқали тўғри, аниқ ва таъсирчан қилиб еткази олишига айтилади. Ташқи кифа шахсининг ички маданиятидан келиб чиқувчи жисмонан соғломлик, қадди расо, бекамун кўстлиги, хатти-ҳаракатларнинг энгил ва нафислиги, кийим-бош, афт-ангорнинг покчи ва озодлиги ҳамда уларнинг ўзаро муносабалигидир.

Ички ишлар ходимларининг касб ахлоқи ва маданияти уларнинг ўрнини белгилайди. Модомики шундай экан, ҳар бир ходим ана шундай хислатларга эга бўлишига эришиши лозим. Чунки юртбошимиз таъкидлаганларидек “Ахлоқ — маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчалик салом-алиқ, хуш муомаладангина иборат эмас. Ахлоқ бу, аввало, инсоф ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик дегани”.

Маънавий-сиёсий тайёргарлик машғулоти гуруҳлари раҳбарларига ёрдам

Ички қўшинлар Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳарбий тизими ҳисобланиб, мамлакатимизда хавфсизлик, барқарорликни таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоялаш, ўта муҳим ва тоифаланган иншоотларни қўриқлашга мўлжалланган.

1992 йил 10 январь Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилик Ички қўшинлари ташкил топган сана ҳисобланади. Чунки шу куни мамлакатимиз Президентининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган собиқ СССР ИИБ ҳарбий қисмларини Ўзбекистон Республикаси тасаруфига олиш тўғрисида”ги Фармони асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазириликка қарашли Ички қўшинлар бошқармаси тuzилган эди.

Дастанбаки кунларданок Ички қўшинлар бутунлай янгитдан шакллана бошлади. Ўтган йиллар шахсий таркиб учун ўта масъулиятли синов даври бўлди. Чунки кундалик жанговар-хизмат вазифаларини бажариш билан бир пайтда янги ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар ташкил қилиш, ҳарбий шаҳарчалар қуриш, кадрлар билан жамлаш каби ўта мураккаб масалаларни ҳал қилишга тўғри келди.

Куролли Кучлар тизимларида ўтказилаётган таркибий ўзгаришлар доирасида ИИБ Ички қўшинлари-

да ислохотлар ўтказилди. Жумладан, Ички қўшинлар бошқармаси асосида Ички ва Қоровул қўшинлари Бош бошқармалари ташкил топди ва улар зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилди. Соқчилик қисмлари Ички қўшинлар таркибидан чиқарилди.

Ислохотлар жараёнида устувор йўналишлар деб

қўшинларининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

— юртимизда жамоат тартибини, хавфсизликни, барқарорликни таъминлаш, фуқароларни конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш;

— республикамизнинг давлат тузумига, ижтимоий, иқтисодий манфаатларига,

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишига тажовуз қилиш ниятидаги кўпоровчи, террористик, экстремистик гуруҳларни аниқлаш, уларни зарарсизлантириш борасида тадбирлар ўтказиш;

— ўта муҳим ва тоифаланган иншоотларни, махсус юкларни ишончли қўриқлаш ва ҳимоялаш ва шу кабилар.

Ҳозирги кунда қўшинларимизнинг жанговар шайлиги ва тайёргарлиги, профессионал даражаси, ҳарбий интизомини янада юқори савияга кўтариш борасида кўпгина ишлар олиб борилмоқда.

Ички қўшинларнинг масъулиятли, аммо шарафли хизматлари ҳукумати томонидан муносиб тақдирланиб келинмоқда. Ҳозирги кунда кўплаб ҳарбий хизматчиларимиз давлатимизнинг турли орден ва медаллари билан тақдирландилар.

Республика ИИБ Ички қўшинлари Бош бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш бўлими.

ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ИЧКИ ҚЎШИНЛАРНИНГ ЎРНИ

қуйидагилар белгилади:

— Ички ишлар вазирилик таркибидан Ички қўшинларнинг принципа янги тизимини ташкил қилиш бўйича аниқ чоралар кўриш;

— ички қўшинларни янги талаблар ва вазифаларга мос келадиган шахсий таркиб билан жамлаш имконини берадиган механизм ва принципларни ишлаб чиқиш;

— қўшинлар шахсий таркибининг юксак профессионал тайёргарлик даражасини таъминлаш;

— ҳарбий таълим ва тарбия тизимини замон талабига мослаштириш;

— улар фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий асосларни таъминлаш;

— ҳарбий ислохотларда жадон тажрибасидан фойдаланиш.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ички

Жиноятга жазо муқаррар!

СЎНГГИ ПУШАЙМОН

У бой, обрўли, элга танилган хонадонда туғилди. Ота-онаси унга яхши ният билан Камолиддин деб исм қўйишди. Хонадондаги бу ёш ниҳол ўсган сари уларнинг қувончи чексиз эди. Камолиддин мактабни битиргач, отаси ўғлим ҳеч кимдан кам бўлмасин деб, олийгоҳда ўқитди. Вақт тез ўтиб борарди. Камолиддинни уйлантириш вақти келганини сезган ота-она яхшигина қиз топиб, тўй қилишди. Шириндан-шакар неваралар дунёга келди. Фақат Камолиддин бирор жойда ишлашни хаёлига келтирмас, ота-онасининг ўғитларига қулоқ осмасди. Вақти келиб, улар бирин-кетин қазо қилишди. Камолиддин умр йўлдоши, болалари билан ёлғиз қолди. Аввалига юраги жудаям эзилди. Анча пайт одамови бўлиб юрди. Бир куни кўнглини ёзиш учун ошна-оғайнилари чақириб зиёфат берди. Ҳаммаси шундан кейин бошланди. Уйда ҳар куни маишат бўлар, кўзига ҳеч нарса кўринмас-

ди. Ичкиликбозлик авж олар, қўшнилари танабехи ҳам унга таъсир қилмасди. Ҳамма нарсанинг чегараси бўлганидек, ота-онасидан қолган барча бойликларини совуриб юборди. Ейишга ҳеч вақоси қолмагач, пул топиш йўлини ўйлаб бошлади. Режани пухта тузиб, тунда бозорга йўл олди. Омборхонага кириб қимматбахо молларни ўғирлаётганда қоровул келиб қолди. Камолиддинни кўрқув босди. "Агар уни гумдон қилмасам, сирим ошкор бўлади" деб ўйлади. У дарҳол қоровулнинг бошига темир билан уриб, оғир тан жароҳати етказди ва ўлжасини олиб, жуфтаси билан қочиб кетди. Қоровул ўша заҳоти кучли зарбага бардош беролмай бу ёруғ дунёни тарк этди. Жиноятдан хабар топган тергов-тезкор гуруҳи ходимлари суриштирув ишла-

рини бошлаб юборишди. Узоқ изланишлар натижасида жиноятчи қўлга олинди. Шайтоннинг йўлига кирдим, қилмишимдан афсусдаман, - деди у судда. - Ватанимга, оиламга сидқидилдан хизмат қилмадим. Ота-онамнинг орзулари армон бўлиб, руҳлари чирқирайди, энди одамларнинг юзига қандай қарайман. Уларнинг маслаҳатларига қулоқ солганимда ҳаётда қоқилмасдим.

Сўнги пушаймон -



ўзинга душман деганлари рост экан. Унинг қабих ишига хотима ясалди. Камолиддин қилган жиноятига яраша жазога ҳукм этилди.

З. АБДУЛЛАЕВА,
Урганч шаҳридаги 1-ўрта мактаб ўқувчиси.

Куннинг иссиғида тухумфурушларга ҳам қийин. Кўпчилик ёз чилласида унча тухум емайди. Сотувчи дўконда савдо қилса ҳам бир гап - бино ичи салқинроқ бўлади, музлаттичи бор. Қийин, қийин - бозордагиларга қийин. Салга тухуми палағда бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

Муборак опа шунинг учун молини кўтарасига олувчи топилганига хурсанд бўлди: - Ҳаммасини оладиган бўлсангиз, майли, донасини эллик сўмдан берман, - деди.

Харидор бирпасда орқасидан ёрдамчи эргаштириб келиб, тухумларни аравага орттирди. Ҳақини беришга келганда у ён, бу ёнини кавлаб:

- Э, пулим уйда қолиб кетибди-ку, ҳозир олиб келиб, ташлаб кетаман, - деди харидор. - "Халқлар дўстлиги"да турман.

Моли сотилиб, қўли бўшаган Муборак опа содалик билан:

- Бу ерда бекорга кутиб нима қилдим, ука. Мен ҳам қўшилиб кетаверман. У ёғи уйимгача бир қадам, - деди. "Кўтара харидор" ёлланган йигитга қараб буйруқ оҳангида деди:

- Братишка, аравакашга ҳақини бериб юбор. Меҳнат пулинга қўшиб буниям ташлаб кетаман.

Қашқадарёлик содда йомолини кўтарасига олувчи гит ёнидан уч юз сўм чиқариб аравакашга узатди. Аммо турли найрангбозлар ҳақида ўқиган, эшитганлари

ёдига тушиб:

- Ака, сизни овора қилмай. Мен ҳам қўшилишиб уйингизга бораман. Пулимни олиб қайтаверман, - деди.

Машина кўп қаватли уйлاردан бири олдига етиб келганда харидор тўхташни сўради. У:

- Ҳозир пулни олиб чиқаман, - деб пастга тушиб уй томон кетди.

Мардикор йигит киши билмас унга эргашиб йўлак олдида қолди, аммо кўзини ундан узмади. Харидор ертўлага кириб, ҳаял ўтмай қайтиб чиқиб гапни тўғрилади:

- Уйдагилар бир ёққа кетишибди. Менда калит йўқ эди. Майли, акамдан пуллари-рингизни олиб берман. У Санъат саройи яқинида туради.

Буни қарангки, акаси ҳам уйда йўқ экан. Тоқати тоқ бўлган киракаш тўнғиллади:

- Менга қаранг. Бўлади-ган гапни гапиринг, братан.

Муборак опа ҳам бир нияти сезгандай ҳовлиқиб гапга қўшилди:

- Ўзим ҳам оғзидан ароқ хиди келганига бунинг бир "хунари" бор деб ўйловдим. Укаҳон, яхшиси милисахонага ҳайданг. Ўша ерда масалани бир ёқли қилишади.

Тезкор ходимлар икки-учта савол билан найрангбознинг найрангини фош қилишди. У Муборак опани ҳам, мардикор йигитни ҳам чув тушириб кетмоқчи экан. Гувоҳларнинг кўргазмаларини ёзиб олишди.

Милиция идорасидан чиқарилган экан, Муборак опа киракашга ялинди:

- Укаҳон, мени қайтариб Чорсуга обориб қўйинг. Бу фирибгарни деб тухумларим палағда бўлмаган бўлса гўрга эди...

Г. ЖАФАРОВА.

НАЙРАНГИ ЎТМАЙ ҚОЛДИ


- Қара, бир қиз ўтиб кетаяпти, бир маишат қилмайми? - деди истирроҳат боғининг хилват бурчагида ўтирган йигит улфатига қараб.

- Зўр бўларди, - деди Арман. - Ўзиям қоронғида кўриб кетаётган бўлса керак. Кетдик.

Шундай қилиб дугонасининг "тунаб, эртага кетақол" деган гапига қулоқ солмай йўлга чиққан Айсулов (исмлар ўзгартирилган) икки босқинчининг қўлига тушди. Йигитлар жон-жаҳди билан қаршилиқ қилаётган қизни ечинтиришга уриндилар. Лекин бор кучи билан номусини ҳимоя қилаётган Айсулов уларга буй бермади. Беномуслар қизнинг оғзини маҳкам ёпганча судраб, қўл бўйига олиб тушишди. Яқинлик қилишга кучи етмаган Талгат пасткашлик билан гайритабиий равишда қизни иффатидан айирди. Айсулов ўзига зулукдек ёпишиб, ўпмоқчи бўлган Арманнинг тилини шартта тишладу, "ёрдам беринглар!" деб қичқирди.

Яхшики, ораимизда одамгарчилиги кучли, бировнинг ташвишига бефарқ қарамайдиган инсонлар кўп. Ана шундайлардан икки нафари - кечаси истирроҳат боғи ёнидаги қўл бўйлаб кетаётган эрхотин қичқирқини эшитиб, воқеа жойига югуриб боришди. Ўша пайтда босқинчилар қизнинг тақинчоқларини ечиб олиб уни қўлга ташлаб чўктиришга уринишгаётган эди. Улар бақир-чақир

НОМУС ЎФРИЛАРИ



билан ўзлари томон югуриб келаётган эр-хотинни кўриб, қочиб кетдилар.

Айсулов халоскорларига бўлган воқеани кўзида ёш билан гапириб берди.

Шу заҳоти воқеадан ички ишлар ходимлари огоҳ этилди.

- Номус ўғрилари топиш осон бўлмади, - дейди Тахиятов шаҳар ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция подполковниги И.

Рамакеев. - Чунки қиз қоронғида уларнинг афт-ангорини кўрмаган.

Шу тун кўплаб ходимлар мижжа қоқмади. Айниқса, тезкор вакиллар, милиция капитани Э. Сабуров, милиция лейтенанти З. Саидов ҳамда ИИБ бошлиғининг хизмат бўйича ўринбосари, милиция майори М. Шамуротовлар тиним билишмади. Барча илгари судланганлар текшириб кўрилди. Улар орасида Е. Арман-

дан гумон қилинди. Унинг тили шишиб, гапира олмай, гўлдиратиш шубҳага асос бўлди. Айсулов айнан шу йигитнинг тилини тишлаб олганини айтди...

Орадан кўп вақт ўтмай уйда бемалол хуррак отиб, ухлаб ётган М. Талгат ҳам ушланди. Унинг ёнидан Айсуловга тегишли тақинчоқлар далилий ашё сифатида олинди.


Ҳозир бу йигитлар ўзларига берилган жазони ўташмоқда. Афсуски уларнинг ахлоқсизлиги боис боқира қизнинг ҳаёти, орзумидлари алғов-далғов бўлди. Кўнгил ойнаси синди.

Умуман, баъзи ёшларнинг маънавий дунёси бу қадар саёзлашиб бораётганининг туб илди-лари нимада? Тўқликка шўхликми? Телевидениеда берилётган баъзи ахлоқсиз фильмлар ёки хориж матбуотининг ҳаёсиз "маҳсулотлари" таъсирими? Ёки ота-оналарнинг тирикчилик ташвиши, аниқроғи, мўмай пул топиш илинжида болаларни ўз ҳолига ташлаб, қаровсиз қолдиришларидами? Маҳалла-қўйнинг эътиборсизлигими? Ёки баъзи оилаларда маънавий муҳитнинг бузилиши боисми?

Кўриб турганингиздек, мазкур жиноят тафсилоти бўйича аниқ бир хулосага келиш қийин. Ўйлаимизки газетхонлар бу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

БОЛАНING ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?



Тошкент вилояти ИИБ ҲООБ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига 2003 йил 15 июль куни Ангрэн шаҳар ИИБ профилактика ходимлари томонидан дайдиб юрган, тахминан 11-12 ёшлардаги ақли заиф ўғил бола олиб келинган. Сўзларига қараганда, унинг исми Улуғбек. Яшаш жойи, ота-онаси ҳақида ҳеч қандай маълумот бера олмади.

Белгилари: бўйи 130-135 см, қомаги ўртача, юзи чўзиқроқ, қошлари сийрак, кўзи, сочи жигарранг.

Кийимлари: эгнида сиёҳранг футболка, қизил катакли шортик, оёғида жигарранг шиппак бор.

Боланинг ота-онаси ёки яқинлари Янгийўла шаҳридаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига мурожаат этишлари мумкин. Телефонлар: 2-32-97, 2-40-10 (код 37160)

Республика ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ Ички қўшинлар Бош бошқармасининг бошқарма бошлиғи, полковник Р. Арслоновга падари бузруквори **ИСЛОМ отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ШТБМИ катта тезкор вакили, милиция майори С. Ҳамроевга падари бузруквори **СУЛТОН отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИХХБ шахсий таркиб билан ишлаш ва жамоатчилик билан алоқа боғлаш бўлимининг катта инспектори, милиция майори И. Сайдиқаримовга онаси **ВАСИЛАХОН аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИХХБ котибиятининг катта иш юритувчиси, милиция кичик сержанти Л. Позиловага онаси **САБУРА аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Республика ИИБ Тиббиёт бошқармаси, Санитария-эпидемиология назорати Бош маркази раҳбарияти ва жамоаси Санитария-эпидемиология назорати Бош маркази ходими, ички хизмат старшинаси Р. Ариповга ўғли **АМИРХОНнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Бухоро тумани ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Х. Акбаровга онаси **САЛОМАТ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИХХБ қидирув ва суриштирув бўлими инспектори, милиция капитани Т. Арслоновга ҳамда Қибрай тумани ИИБ ДИХХ бўлиминининг маъмурий амалиёт катта инспектори, милиция майори Х. Арслоновга падари бузрукворлари **ИСЛОМ отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Навоий вилояти ИИБ ИХХБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги милиция майори **Одил МАВЛОНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Ёз — ўтмоқда соз

ГАШТИ ҲАМ, ТАШВИШИ ҲАМ БОР

Болалар учун ёзги таътилдан ҳам гаштлироқ дамлар бўлмаса керак. Аммо, айнан шу даврда баъзи ўйинқароқ болалар анчагина ташвиш орттиришади. Катталар назоратидан четда қолишлари оқибатида болалар билан боғлиқ жиноятлар, кўнгилсиз ҳолатларнинг аксарияти айнан ёз фаслида содир бўлади.



Учқўрғон тумани Қайқи қишлоғилик 8-ўрта мактабнинг 6 ва 10-синф ўқувчилари Д. Мамасолиев ҳамда О. Муродовлар ҳар кунгидай мол-қўйларини боқиш учун Норин дарёси бўйлаб кетишганди. Ким ўйлабди, бу кун улар фоний дунёни видолашади деб. Бу икки боланинг ота-онаси ҳам, атрофдаги кишилар ҳам ўсмирларнинг катта дарё бўйида бемалол юришларига бепарво қарашганига ўйланиб қоласан

киши. Улар кеч кирганда азим дарёнинг муздек сувида чўмилишди. Икковлон дарёнинг у қирғоғини кўзлаб сузишаётганди, аммо мажолсизланиб сувга гарқ бўлишди...

— Болалар ўртасида бундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг рўй беришига йўл қўймаслик мақсадида ички ишлар идоралари вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими инспекторлари томонидан огоҳ-

лантириш, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда, — дейди вилоят ИИБ ХООБ бошлиғи, милиция подполковниги Мусохон Оппоқов. — Афсуски, шунча саъй-ҳаракатларга қарамай бахтсизликлар ҳамон қайд этилмоқда. Куни кеча Чортоқ туманида яшаган 17-ўрта мактабнинг 6 ҳамда 8-синф ўқувчилари — Ё. Насиба ва В. Мунирлар Қорабоғ сойида чўмилаётиб, чўкиб кетишган. Туман марказий шифохонасидаги кўрсатилган

муолажалар ҳам самара бермади. Уларнинг ота-онаси доғда қолишди.

Ўспиринлар катталар назоратидан четда қолишлари натижасида турли нобоп ишлар билан машғул бўлишлари мумкин. Бунинг оқибати барчага аён. Аслида биз аҳамият бермаган арзимасдек туюлган ҳуқуқбузарликлар жиноятчини етиштиришини назарда тутсақ, бепарволик нечоғли ёмон одат эканлиги, унинг ҳавф қўламини намён бўлади. Бекзод билан Абдумаликлар ҳам туғилганларида ота-оналари балоғат ёшига етмай туриб жиноят кўчасига киришини хаёлларига ҳам келтиришмаган бўлса керак. Аммо... Наманган шаҳар Чаманзор даҳасида ота-онаси қарамоғида яшовчи 14 ёшли Х. Бекзод ва унинг таниши тўрақўрғонлик 15 ёшли Р. Абдумаликлар шаҳардаги кўп қаватли уйлardan бирига ертўла орқали кириб, хонадондан 200 АҚШ доллари ва қарийб 950 минг сўмлик уй-рўзғор буюмларини ўғирлаб кетганликлари аниқланиб, далилий ашёлар билан қўлга олинди.

Болаларни оромгоҳларга жалб қилиш бундай кўнгилсизликларнинг олдини олишга қаратилган асосий чора-тадбирлардан биридир. Кичкинтойларнинг ёзги мавсумда бўш вақтларини

мазмунли ўтказишлари, ундан унумли фойдаланишлари, қолаверса, яхши ҳордиқ чиқаришлари учун вилоят бўйича 24 та болалар оромгоҳи фаолият кўрсатмоқда.

— Косонсой туманида жойлашган "Соҳил" болалар дам олиш масканида ҳам айни дамда вилоятнинг турли туманларидан келган 160 нафар болажонлар мириқиб ҳордиқ чиқаришмоқда. Уларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш учун "Ҳуқуқингизни биласизми?" "Ёш адвокат" каби мавзуларда викторина ўйинлари ўтказиб борилапти, — дейди туман ИИБ ХООБ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори, милиция лейтенанти Тоҳира Жаббарова. — Айниқса, қўшни оромгоҳларда дам олаётган болалар билан ўтказилаётган мусобақалар болаларда катта таассурот қолдирмоқда. Сайрларга чиққанда ҳам ўзаро суҳбат асосида уларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириб боришга ҳаракат қилаёلمиз. Бу болалар ҳуқуқбузарлик содир этишларининг олдини олишга, нима яхши-ю, нима ёмонлигини теранроқ англашларига хизмат қилса ажаб эмас.

Д. ТУРҒУНОВА,
милиция лейтенанти.

Сўраган эдингиз...

СОХТА ТАМҒАДАН САҚЛАНИНГ!

Келишимга совға қилиш учун бозордан қимматбаҳо тилла узук сотиб олгандим. Тамғасига ишонқирамай заргарга кўрсатган эдим, унинг сохта эканлигини айтди. Бу қандай бедодлик ахир! Мен шунча пулга куйиб қолавераманми? Тамғаларни сохталаштираётган кимсаларга нисбатан чора қўлланиладими?

А. НИЗОМОВА,
Тошкент шаҳри.

Албатта. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 3-бўлим, X боби, 168-моддасининг 1-қисмига кўра фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончли сунистеъмом қилиш йўли билан ўзганинг

мулкни ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш — энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Шунингдек, 5-бўлим, XV боби, 228-моддасининг 1-қисмига кўра гаразгүйлик ёки бошқа шахсий манфаатларни кўзлаб давлат проба тамғасини қонунга хилоф равишда тайёрлаш, ўтказиш ёки ундан фойдаланиш ҳамда уни қалбакилаштириш энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ибратли ҳикоятлар

ЖОҲИЛ ЎЗИГА ЎЛИМ ТИЛАЙДИ

Абу Али ибн Синонинг таърифлашича, бир мамлакатда жоҳил табиб деб ном олган киши яшаркан. У одамларни даволашдан кўра, алдаб, кўнглига гашлик солиб, пул ишлаш билан овора экан. Бир куни кекса бир табиб уни ёнига чақириб:

— Сен алдам-қалдам ишингни ташла. Жоҳиллик билан ўз жонингга ўзинг қасд қилиб қўйишинг мумкин, — деб огоҳлантирибди. Лекин жоҳил унинг гапларига парво қилмабди.

Шаҳар ҳокимининг бир гўзал қизи бор экан. У касал бўлганда жоҳил "ўзим даволайман, у тузалиб кетади" деб шаҳар ҳокимини ишонтирибди. Аммо қизнинг кундан-кунга ранги саргайиб, дарди кучайиб бора-верибди. Ҳоким жоҳил табибдан дарғазаб бўлиб, кекса табибни чақиртирибди. У қизнинг аҳволи билан танишгач, ҳокимга: — "Меҳрон" деган дори бор. Шундан

ичирсангиз, қизингиз тузалиб кетади, — дебди.

— Бу дори қаерда бор? — сўрабди ҳоким.


— Ҳазинангизда олтин қулф билан қулфланган қутича бор. Дори ўша қутичада.

— Ўша дорини мен олиб чиқаман, — дея билагонлик қилибди жоҳил табиб. У ҳазина сақланадиган жойга кирса, олтин қулфлар билан беркитилган қутилар жуда кўп экан. Таваккал қилиб биттасини кўтариб чиқибди ва унинг ичидагини қизга ичирибди. Қиз шу заҳоти оламдан ўтибди. Кўрқиб кетган жоҳил табиб дорининг қолганини ўзи ичиб юборибди ва у ҳам оламдан ўтибди. Текшириб кўришса, қутидаги дори заҳар бўлиб, ҳақиқийси ичкарида қолиб кетган экан.

Жоҳил табиблар ҳозир ҳам орамизда учраб қолиши ачинарлидир.

Т. МИРЗАРАҲМАТОВ
тайёрлади.

КРОССВОРД



Энига: 1. Грузиядаги шаҳар 3. Йирик сув ҳавзаси. 8. Ширинлик. 9. Ҳақиқатан. 12. Пойабзалга берилган нақш. 13. Ҳарбий унвон. 14. Мева. 17. Дам. 20. Сарой хизматкори. 21. Қурувчи. 22. Шакл. 23. Сирли. 27. Тоғ тизмаси. 28. Исм. 29. Бошқарув. 34. Сифатли. 35. Қозоқ миллий таоми. 36. Сотқин. 39. Сойишталлик. 40. АҚШ штати. 41. Тузоқ. 42. Тоғли элат.

Бўйига: 1. Қадимий шаҳар. 2. Ҳийла. 4. Инсон тана аъзоси. 5. Қимматбаҳо тош. 6. Россиядаги ўлка. 7. Жануб меваси. 8. Фирдавсий

асари. 10. Шарқий Европадаги давлат. 11. Номоз вақти. 13. Қадимий суғориш мосламаси. 16. Кўзғолончилар тўсиғи. 18. Аёл исми. 19. Бухоро вилоятидаги туман. 24. Фол очиш. 25. Қирғизистондаги ту-

ман. 26. Катта эшик. 30. Тиббиётда кенг қўлланиладиган ўсимлик. 31. Осиёдаги йирик шаҳар. 32. Жасур. 33. Шарқдаги дарё. 37. Ёзма иш. 38. Каспий денгизи бўйидаги шаҳар.

Тузувчи С. АБДУЛЛАЕВ.

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН ЦИКЛОКРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. "Сорох". 2. Ганг. 3. Трап. 4. Литр. 5. "Халк". 6. Хутба. 7. Ҳодиса. 8. Белила. 9. Мадрид. 10. Поплин. 11. Дастур. 12. Гипноз. 13. Салжук. 14. "Жигули". 15. Зақум. 16. Лутфий. 17. Майиз. 18. Опал. 19. "Усто". 20. Сато. 21. Трап. 22. Сайил.

МУАММОНОМА

Оқчиқ сўзлар: 1. Қисса. 2. "Арслон". 3. Фариб. 4. Седана. 5. Магма.

Ҳикмат: **Сендин адаб бирла белинг боғламоқ, Мендин адаб қондасин сақламоқ.**

<p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИВ БИРЛАШГАН ТАНҲРИРИЯТИ</p> <p>MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1</p>	<p>Bosh muharrir Shuhrat MURODOV</p> <p>Bosh muharrir o'rinbosari v.b. Murod TILLAYEV Mas'ul kotib R. BERDIYEV</p> <p>Navbatchi S. SHAMSIDDINOV</p> <p>Sahifalovchi Z. BOLTAYEV</p> <p>Musahhih G. XOLIQOVA</p>	<p>TELEFONLAR: Bosh muharrir o'rinbosari 139-75-69. Kotibiyat 59-20-96. muxbirlar bo'limi 139-75-69. Buxgalter 139-75-37. Faks 132-05-51.</p> <p>E-mail: urmvd@globalnet.uz</p>	<p>Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421.</p> <p>«Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.</p> <p>Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yatga olingan</p> <p>Buyurtma ₺ — 579. Hajmi — 4 bosma taboq. Bosilish — ofset usulida. 44391 nusxada chop etildi.</p>	<p>● <i>Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart</i></p> <p>● <i>Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.</i></p> <p>● <i>Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.</i></p>	<p>Obuna raqamlari: Yakka tartibda — 180 Yashkilotlar uchun — 366</p> <p>Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.</p> <p>Bosishga topshirish vaqti — 20.00. Bosishga topshirildi — 20.00.</p> <p>«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.</p> <p>Ko'chona manzili: Buyuk Turon ko'chasi 41-uy. 1, 2, 3, 4, 5, 6.</p>
--	--	--	--	---	--